

**ГУЛОМ ШОМУРОД**

**ЗАРРИН  
ЯПРОКЛАР**

**Шеърлар**

"Бухоро" нашриёти – 2006 й



### Ҳурматли китобхон!

Гулом Шомуроднинг ушбу тўпламида жонажон ўлкамизнинг гўзал ва мафтункор табиати, ҳур ва озод кишиларимизнинг турли ҳолатдаги кечинмаларини акс эттирувчи ҳамда улуғ боболаримиз ҳақида ёзилган шеърлари билан бирга ихчам шаклдаги тўртлик ва иккиликлар ҳам ўрин олган.

Рубоий, туюқ ҳамда фардларда муаллиф вафо ва садоқат, имон ва эътиқод, боқийлик ва фанолик ҳақида баҳс юритиб, бу ҳақдаги фалсафий қарашларини ўзига хос тарзда баён қиласди. Ўйлаймизки, бу шеърий тизмалар Сиз азизларга матькул бўлади.

### Hurmatli kitobxon!

G`ulom Shomurodning ushbu to`plamida jonajon o`lkamizning go`zal va maftunkor tabiati, hur va ozod kishilarimizning turli holatdagi kechinmalarini aks ettirovchi hamda ulug` bobolaramiz haqida yozilgan she`rlari bilan birga ixcham shakldagi to`rtlik va ikkiliklар ham o`rin olgan.

Ruboiy, tuyuq hamda fardlarda muallif vafo va sadoqat, imon va e'tiqod, boqiylik va fanolik haqida bahs yuritib, bu haqdagi falsafiy qarashlarini o`ziga xos tarzda bayon qiladi. O`ylaymizki, bu she`riy tizmalar Siz azizlarga ma'qul bo`ladi.

# **I.ЮРТИМ ЖАМОЛИДАН**

## **МАВЖЛАНАР ҚАЛБИМ ...**

### **Ш Е Ъ Р Л А Р**

Қояда ялтираб қор олар кўзни,  
Хушбўй ҳид таратиб, яшнар арчалар.  
Яйрайман гўдакдай ҳис этиб ўзни,  
Юракда туғилар шеърий парчалар...

Qoyada yaltirab qor olar ko'zni,  
Xushbo'y hid taratib; yashnar archalar.  
Yayrayman go'dakday his etib o'zni,  
Yurakda tug'ilalar she'riy parchalar...

## БУХОРОДА ЁҚҚАНИДА ҚОР...

Қор ёғмоқда –  
Оппоқ майин қор.  
Шундан гумбаз юзида упа  
Оқ салласин ўрамиш Минор,  
Мир арабда юксалган супа.

Құчоқ очиб,  
Қорни қучмоқда.  
Осмонга энг яқин турған Арк,  
Қор бағридан күкка учмоқда –  
Чорминор ҳам бўлиб тўрт мушак.

Қадим шаҳар тароват – кўркни  
Оқлик ичра этаркан кўз – кўз –  
Бошга кийиб шерози бўркни  
Тоқлар мамнун жилмаяр бесўз.

Девонбеги ҳовузида сув,  
Қорни ютар шошиб, ютоқиб,  
Эшагидан тушар кекса, қув –  
Афанди ҳам қорини қоқиб.

Сўнг қутлайди юртдошларни у,  
Ризқ бўлсин деб қордай зиёда  
Шўх болалар қуршовида у  
Шоҳруд бўйлаб кетар пиёда.

2006 йил, январ

## **BUXORODA YOQQANIDA QOR...**

Qor yog'moqda –  
Oppoq mayin qor.  
Shundan gumbaz yuzida upa  
Oq sallasin o'ramish Minor,  
Mir arabda yuksalgan supa.

Quchoq ochib,  
Qorni quchmoqda.  
Osmonga eng yaqin turgan Ark,  
Qor bag'ridan ko'kka uchmoqda –  
Chorminor ham bo'lib to'rt mushak.

Qadim shahar tarovat – ko'rknii  
Oqlik ichra etarkan ko'z – ko'z –  
Boshga kiyib sherozi bo'rknii  
Toqlar mamnun jilmayar beso'z.

Devonbegi hovuzida suv,  
Qorni yutar shoshib, yutoqib,  
Eshagidan tushar keksa, quv –  
Afandi ham qorini qoqib.

So'ng qutlaydi yurtdoshlarni ú,  
Rizq bo'lsin deb qorday ziyoda  
Sho'x bolalar qurshovida u  
Shohrud bo'ylab ketar piyoda.

2006 yil, yanvar

## **ИЛК БАҲОРДА**

Феврал тугаб, кириб келгач март,  
Офтоб нурин сочмоқда кўпроқ.  
Равшан тортиб табиатда ранг  
Кўк ранг – кўм кўк, оқ бўлди оппоқ.

Мудраб ётган куртаклар бўртиб,  
Кипригини суза бошлади.  
Бу ҳолатдан тонгда энтикиб,  
Новдаларнинг кўзи ёшлианди.

Борлиқдаги бу ҳол беқиёс  
Руҳиятта берар шукуҳлар.  
Ортиб қувонч, ортиб эҳтирос  
Дилда жўшар ажиб туйгулар.

Қирлар бўлиб яшиллиқдан маст,  
Ўзи томон осмонни чорлар.  
Узоқ ётиб қолган хастанинг  
Умид нури кўзида порлар.

Бу баҳорнинг илк армуғони –  
Табиатда яшаш, яшариш.  
Бу – борлиқнинг кулаётгани –  
Айтаётиб кўкламга олқиши.

2006 йил, март

## **ILK BAHORDA**

Fevral tugab, kirib kelgach mart,  
Oftob nurin sochmoqda ko'proq.  
Ravshan tortib tabiatda rang  
Ko'k rang – ko'm ko'k, oq bo'ldi oppoq.

Mudrab yotgan kurtaklar bo'rtib,  
Kiprigini suza boshladи.  
Bu holatdan tongda entikib,  
Novdalarning ko'zi yoshlandi.

Borliqdagi bu hol beqiyos  
Ruhiyatga berar shukuhlar.  
Ortib quvonch, ortib ehtiros  
Dilda jo'shar ajib tuyg`ular.

Qirlar bo'lib yashillikdan mast,  
O'zi tomon osmonni chorlar.  
Uzoq yotib qolgan xastaning  
Umid nuri ko'zida porlar.

Bu bahorning ilk armug'oni –  
Tabiatda yashash, yasharish.  
Bu – borliqning kulayotgani –  
Aytayotib ko'klamga olqish.

2006 yil, mart

## ШЕЪРИЯТ

Хаёл юксалади,  
Юлдузга қадар.  
Ой ўрғи қолди қўлларда,  
Учар, учаверар  
Илҳом – самандар,  
Қуёшга элтувчи йўлларда.  
Юлдузлар эмас, йўқ,  
Ҳислар оқадир,  
Оппоқ буғ таратиб.  
«Сомон йўли» да.  
Танлаб сўзлардан тер  
Сўз – дур, жавоҳир,  
Жўшқин эҳтирослар  
Тошар кўнгилда.  
Ўзингга эрк бериб.  
Этсанг тахайюл  
Ўнгда жилваланар  
Ажойиб бир рақс –  
Уни кўрган жисмин  
Унутар буткул.  
Юрак ўз – ўзила  
Қила бошлар баҳс  
Сўнг қалб, хаёл, сўз ҳосиласи –  
Ноёб бир неъмат, воажаб, пайдо.  
Лаззат бағишлайди хуштаъм меваси,  
Уни тота билган – бир умр шайдо!

2006 йил, март.

## SHE'RIYAT

Xayol yuksaladi,  
Yulduzga qadar.  
Oy o'rog'i qoldi qo'llarda,  
Uchar, uchaverar  
Ilhom — samandar,  
Quyoshga eltuvchi yo'llarda.  
Yulduzlar emas, yo'q,  
Hislar oqadir,  
Oppoq bug' taratib.  
«Somon yo'li» da.  
Tanlab so'zlardan ter  
So'z — dur, javohir,  
Jo'shqin ehtiroslar  
Toshar ko'ngilda.  
O'zingga erk berib.  
Etsang taxayyul  
O'ngda jilvalanan  
Ajoyib bir raqs —  
Uni ko'rgan jismin  
Unutar butkul.  
Yurak o'z — o'zila  
Qila boshlar bahs  
So'ng qalb, xayol, so'z hosilasi —  
Noyob bir ne'mat, voajab, paydo.  
Lazzat bag'ishlaydi xushta'm mevasi,  
Uni tota bilgan — bir umr shaydo!

2006 yil, mart.

## **НАҚШЛАР**

Нақшларда нур сочар қуёш,  
Нақшларда тўлин ой порлар.  
Ва кўтариб ундан бир – бир бош,  
Юлдузчалар ўзига чорлар.

Нақшларга  
Тикилганим пайт  
Дил яйрайди, қуршар ҳаяжон,  
Парвоз қилгум билмайин сарҳад  
Олар қучиб бағрига осмон.

## **NAQSHLAR**

Naqshlarda nur sochar quyosh,  
Naqshlarda to'lin oy porlar.  
Va ko'tarib undan bir – bir bosh,  
Yulduzchalar o'ziga chorlar.

Naqshlarga  
Tikilganim payt  
Dil yayraydi, qurshar hayajon,  
Parvoz qilgum bilmayin sarhad  
Olar quchib bag'riga osmon.

## МИНГЧИНОРДА

Атроф – гўзал,  
Ҳаво – мусаффо,  
Нафас олсанг, олурсан шифо.  
Тоғ бағрида кезмоқлик роҳат,  
Жўшар дилда  
Илҳом, завқ – сафо.

Бу ерлар ҳам  
Юртим парчаси,  
Сулув сарву чинор, арчаси.  
Бўлмай,  
Элнинг қай гўшасида –  
Кўзга иссиқ барча – барчаси!

Китоб, 2006 йил

## MINGCHINORDA

Atrof – go`zal,  
Havo – musaffo,  
Nafas olsang, olursan shifo.  
Tog` bag`rida kezmoqlik rohat,  
Jo`shar dilda  
Ilhom, zavq – safo.

Bu yerlar ham  
Yurtim parchasi,  
Suluv sarvu chinor, archasi.  
Bo`lmay,  
Elning qay go`shasida –  
Ko`zga issiq barcha – barchasi!

Kitob, 2006 yil

## РУҲИМ

Қачон боқсам кўкка, юлдузга,  
Кўқдай тоза бўлади руҳим.  
Айланади кечам кундузга,  
Завқим тошиб, қочар андуҳим.

Ҳолбуки тун,  
Атрофга тинмай  
Чигирткалар этишар нолиш.  
Аслида – чи, бу нолиш эмас.  
Кўкка боқиб қилмоқлик хониш.

Кўкка боқиб,  
Юксакда эстган  
Салқин ҳаволарни қучаман.  
Юлдузлардан томчилаб тушган.  
Шудринглардан қониб ичаман.

Туғилгандай бўламан қайта,  
Тунда кўкка боққаним чоқлар.  
Фикр – тиниқ,  
Руҳим топ – тоза  
Кенг жаҳонни олгум қучоқлаб...

2004 йил

## **RUHIM**

Qachon boqsam ko'kka, yulduzga,  
Ko'kday toza bo'ladi ruhim.  
Aylanadi kecham kunduzga,  
Zavqim toshib, qochar anduhim.

Holbuki tuni,  
Atrofga tinmay  
Chigirtkalar etishar nolish.  
Aslida – chi, bu nolish emas.  
Ko'kka boqib qilmoqlik xonish.

Ko'kka boqib,  
Yuksakda esgan  
Salqin havolarni quchaman.  
Yulduzlardan tomchilab tushgan.  
Shudringlardan qonib ichaman.

Tug'ilganday bo'laman qayta,  
Tunda ko'kka boqqanim choqlar.  
Fikr – tiniq.  
Ruhim top – toza  
Keng jahonni olgum quchoqlab...

2004 yil

## ОЙБЕК

Кенг пешона, сермаъно кўз, келбатли қомат  
Гўдак каби қалби тоза, ҳар қадами нек.  
У суюкли адаб, олим, устоз — аллома  
Шеъриятнинг осмонида сўнимас ой — Ойбек.

Гарчи эрта тилдан қолди, унинг туфайли,  
Сўйладику майса, гиёҳ, оғочу куртак.  
У мадҳ этди тошни тешиб чиқсан булоқни,  
Гўзал шеърга айланди о, сулув наъматак.

Гарчи ўзи сўйламади, сўзлатди тўлиб,  
Ўтган буюк аждодларни, тарихни яъни,  
У Навоий, у Торобий, у Йўлчи бўлиб —  
Сўзлади, ҳар лутфида зўр мантиқ ва маъни.

Гарчи ўзи сўйламади, сўзлатди бироқ,  
Ерда туриб чақмоқ, қуёш, ою осмонни,  
У сўзлатди дунё узра баралла янгроқ  
Шафақларда қанот ёзган Ўзбекистонни.

Йўқ, йўқ Ойбек сўзлаб келди, ҳамон сўйлайди,  
Юртин куйлаб шеър айтмоқда ноёб, бетакрор:  
«Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди,  
Бир ўлкаки, қишиларида шивирлар баҳор...»

2005 йил

## OYBEK

Keng peshona, serma'no ko'z, kelbatli qomat  
Go'dak kabi qalbi toza, har qadami nek.  
U suyukli adib, olim, ustoz — alloma  
She'riyatning osmonida so'nmas oy — Oybek.

Garchi erta tildan qoldi, uning tufayli,  
So'yladiku maysa, giyoh, og'ochu kurtak.  
U madh etdi toshni teshib chiqqan buloqni,  
Go'zal she'rga aylandi o, suluv na'matak.

Garchi o'zi so'ylamadi, so'zlatdi to'lib,  
O'tgan buyuk ajdodlarni, tarixni ya'ni,  
U Navoiy, u Torobiy, u Yo'lchi bo'lib —  
So'zladi, har lutfida zo'r mantiq va ma'ni.

Garchi o'zi so'ylamadi, so'zlatdi biroq,  
Yerda turib chaqmoq, quyosh oyu osmonni,  
U so'zlatdi dunyo uzra baralla yangroq  
Shafaqlarda qanot yozgan O'zbekistonni.

Yo'q, yo'q Oybek so'zlab keldi, hamon so'yaydi,  
Yurtin kuylab she'r aytmoqda noyob, betakror:  
«Bir o'lkaki, tuprog'ida oltin gullaydi,  
Bir o'lkaki, qishlarida shivirlar bahor...»

2005 yil

## **ҚАМЧИҚ ДОВОНИДА**

Ниҳоят биз чиқиб келдик Қамчиқа,  
Буралиб, юксалиб йўл юра – юра.  
Тепада булатни тешган чўққилар, .  
Пастлиқда чўзилиб, ётибди дара.

Қояда ялтираб қор олар кўзни,  
Хушбўй ҳид таратиб, яшнар арчалар.  
Яйрайман гўдакдай ҳис этиб ўзни,  
Юракда туғилар шеърий парчалар...

Намоён бўлади ажиб мўъжиза:  
Тоғу тошни ўйиб, очилган йўлак.  
Авто – улов ўтар бундан физиллаб,  
Дунёнинг у четин  
Бу четга улаб.

Биз ҳам юрамиз, шу равон ғор йўлдан,  
Нур сочар атрофда чироқ – юлдузлар  
Бир фуур гул очар, шу топ кўнгилда:  
Ҳурликнинг меваси эмасми булар!

Туннелдан чиқиб ҳам яна йўлдамиз,  
Бу ердан тинимсиз оқади карвон,  
Қўл силкиб уларга салом йўллаймиз,  
Бошимиз устида ярқирад осмон...

Қамчиқ, 2006 йил

## **QAMCHIQ DOVONIDA**

Nihoyat biz chiqib keldik Qamchiqqa,  
Buralib, yuksalib yo'l yura – yura.  
Tepada bulutni teshgan cho'qqilar,  
Pastlikda cho'zilib, yotibdi dara.

Qoyada yaltirab qor olar ko'zni,  
Xushbo'y hid taratib, yashnar archalar.  
Yayrayman go'dakday his etib o'zni,  
Yurakda tug'ilalar she'riy parchalar...

Namoyon bo'ladi ajib mo''jiza:  
Tog'u toshni o'yib, ochilgan yo'lak.  
Avto – ulov o'tar bundan g'izillab,  
Dunyoning u chetin  
Bu chetga ulab.

Biz ham yuramiz, shu ravoň g'or yo'ldan,  
Nur sochar atrofda chiroq – yulduzlar  
Bir g'urur gul ochar, shu top ko'ngilda:  
Hurlikning mevasi emasmi bular!

Tunneldan chiqib ham yana yo'ldamiz,  
Bu yerdan tinimsiz oqadi karvon  
Qo'l silkib ularga salom yo'llaymiz,  
Boshimiz ustida yarqirar osmon...

Qamchiq, 2006 yil

## **ҚОР ҚҮЙНИДА**

Ташқари чиқаман,  
Ерда оппоқ қор.  
Юзимга урилар унинг нафаси  
Осмонда юлдузлар нур сочар бедор,  
Қорга етиб келиб, порлар шуъласи.

Шундан ялтирайди бўғот бўйнида,  
Маржондай тизилиб, сумалак қатор.  
Мен эса юраман оқлик қўйнида,  
Қалбим гўдак каби бегам, беғубор.

Кўнгилда тошади қувонч, суурим  
Вужудни қуршайди ажиг бир ҳолат.  
Юлдузга етгудай бўлиб фурурим  
Дилдан кўча бошлар тилга щеърий байт:

— Тунда, қор қўйнида  
Кезмоқлик не баҳт...

2006 йил

## **QOR QO'YNIDA**

Tashqari chiqaman,  
Yerda oppoq qor.  
Yuzimga urilar uning nafasi  
Osmonda yulduzlar nur sochar bedor,  
Qorga yetib kelib, porlar shu'lasi.

Shundan yaltiraydi bo`g`ot bo`ynida,  
Marjonday tizilib, sumalak qator.  
Men esa yuraman oqlik qo`ynida,  
Qalbim go`dak kabi beg`am, beg`ubor.

Ko`ngilda toshadi quvonch, sururim  
Vujudni qurshaydi ajib bir holat.  
Yulduzga yetguday bo`lib g`ururim  
Dildan ko`cha boshlar tilga she'riy bayt:

— Tunda, qor qo`ynida  
Kezmoqlik ne baxt...

2006 yil

## РАУФ ПАРФИ

У җүрликтин куйлайды ёниб,  
Юрги тутқун бўлган кунларда  
Ичмоқ бўлди нурлардан қониб,  
Шуъла камёб бўлган тунларда.

Кулди толе,  
Оппоқ тонг отди.  
Нурга тўлди дудланган бағри,  
Тўлқинланиб тўлқинга отди  
Кучди уни озодлик баҳри.

Сузмоқчийди отиб кенг қулоч,  
Мавжлардан зўр эди шукуҳи.  
Фарқ айлади уни бу қувонч,  
Энди кўкда учар ҳур руҳи...

## **RAUF PARFI**

Ü hurlikni kuylaydi yonib,  
Yurti tutqun bo'lgan kunlarda  
Ichmoq bo'ldi nurlardan qonib,  
Shu'la kamyob bo'lgan tunlarda.

Kuldi tole,  
Oppoq tong otdi.  
Nurga to'ldi dudlangan bag'ri,  
To'lqinlanib to'lqinga otdi  
Quchdi uni ozodlik bahri.

Suzmoqchiydi otib keng quloch,  
Mavjlardan zo'r edi shukuhi.  
G'arq ayladi uni bu quvonch,  
Endi ko'kda uchar hur ruhi...

## TOF КЕЧАСИ

Осмон тўла юлдузга бунча  
Юлдузларки, йирик ва ёруғ.  
Сабаби бор, сабаб –  
Бу кеча  
Мен турибман осмонга ёвуқ.

Шундан  
Кўнглим осмондай тоза  
Йўқдир губор,  
Йўқдир ғам – андуҳ,  
Юлдузлардан олиб андоза  
Қалб мавжланар  
Таратиб ёғду!

Бойсун, 2005 йил

## TOG` KECHASI

Osmon to`la yulduzga buncha  
Yulduzlarki, yirik va yorug'.  
Sababi bor, sabab –  
Bu kecha  
Men turibman osmonga yovuq.

Shundan  
Ko`nglim osmonday toza  
Yo`qdir g`ubor,  
Yo`qdir g`am – anduh,  
Yulduzlardan olib andoza  
Qalb mavjlanar  
Taratib yog`du!

Boysun, 2005 yil

## ЧҮЛДА ЮРИБ...

Чүлда юриб, туман ичра нени күрдим,  
Хар қадамда лайли күрдим, мажнун күрдим.

Лайли қизлар соchlарини ўриб майды,  
Юзларига ёпинмишлар ҳарип парда.

Шундан күзга ташланмайды күз – қошлари  
Ялтирайди қиров босган уст – бошлари.

Қулоч ёйган мажнунлари лолу ҳайрон,  
Бирида түн, бири эса ёқавайрон.

Қадларини гоҳо эгиб, тик тутиб гоҳ,  
Термулишар бир – бирига оҳ уриб, оҳ.

Писанд эмас улар учун қор, довуллар  
Бу лайлилар, бу мажнунлар – саксовуллар!

## **CHO'LDA YURIB...**

Cho'lda yurib, tuman ichra neni ko'rdim,  
Har qadamda layli ko'rdim, majnun ko'rdim.

Layli qizlar sochlarini o'rib mayda,  
Yuzlariga yopinmishlar harir parda.

Shundan ko'zga tashlanmaydi ko'z – qoshlari  
Yaltiraydi qirov bosgan ust – boshlari.

Quloch yoygan majnunlari lohu hayron,  
Birida to'n, biri esa yoqavayron.

Qadlarini goho egib, tik tutib goh,  
Termulishar bir – biriga oh urib, oh.

Pisand etmas ular uchun qor, dovullar  
Bu laylilar, bu majnunlar – saksovullar!

## АМИР ТЕМУР ИЗЛАРИ

### 1. МОВИЙ ГУМБАЗ ОСТИДА СУХБАТ

Самарқандда бир гумбаз бор, унинг остида  
Буюк Темур тин олади, мангу айлаб хоб.  
Гумбаз узра ёниб турар юлдузлар тунда,  
Кўзни олар пештоқига нур тараб офтоб.

Сукут сақлаб ушбу мовий гумбаз остида  
Соҳибқирон руҳ покига қилурман таъзим.  
Кўз олдимдан ўтиб не – не давру ҳодиса,  
Улуғ бобом сўзларини эшитаман жим.

Ҳар бир лутфда дунё – дунё маъно ва ҳикмат  
Бобом сўйлаб, айтиб берар тарихдан сабоқ.  
– Жангю жадал эмас эди мендаги мақсад,  
Ният – буюк юртда буюк давлат яратмоқ.

Не баҳт, ушбу тилакларим бўлди ижобат,  
Туронимда бир салтанат туздимки буюк,  
Тан олишди уни не – не юрту мамлакат,  
Ушбу давлат умримдан ҳам азизроқ, суюқ.

Салтанатда ёвузларга ўрин бермадим,  
Ўзбек бўлди ўз элига соҳиби даврон.  
Дўстга дўсту, ғанимларга бўйин эгмадим  
Тайёр турдим юртга фидо этмоқ учун жон!

О, тинглаймиз, сукут сақлаб, ушбу сўзларни,  
Тинглар уни бунда пиру фарзанд, набира.  
Тингланг сиз ҳам  
Ёшгу – кекса юртдош дўстларим,  
Шунда ҳушёр тортажаксиз ўзни тобора!

Зиналардан секин юриб, чиқиб гумбаздан  
Ҳис қилурман туғилгандай ўзимни қайта  
Кўз ўнгимда яшнаб турар қадим Самарқанд,  
Одимлайман Темур бобом изидан аста.

Меҳр билан бобом боқиб оппоқ чечакка,  
Чумолию, қуш ҳолидан олурлар хабар.  
Қадам қўйиб Кўҳак томон, чиқиб юксакка.  
Мамлакатнинг тўрт бурчига солурлар назар.

Кўринади ушбу ердан тўлиқ ҳур кишвар,  
Фаргонаю Тошкент, олис Хива, Бухоро.  
Шаҳрисабзку сабза уриб, ям – яшил яшнар,  
Осуда юрт қучоғида тинчdir фуқаро.

Ҳар қадамда рўй бермишdir буюк ўзгариш,  
Саҳрода ҳам шаҳар барпо тенгсиз бўй – бастда.  
Тадбиркорлик бўлган юртда камаяр ташвиш,  
Қишлоқлар ҳам бир – биридан гўзал – ораста.

Темур бобом қибла томон бўриб юзларин  
Элу юртнинг шарафига қилурлар дуо.  
Еру осмон тинглар ул зот қутлуг сўзларин:  
– Омон сақла, бул Ватани раббим, доимо!

Буюк Темур – бизлар учун ўrnak ҳамиша  
Ўrnak – юртни авайлашда, севмак бобида  
Шундан енгиб ўлимларни у мангу яшар,  
Бунга оддий исбот – ўлмас ушбу обида!

Улуғ бобом билан бўлиб бирга бу лаҳза  
Фикр ўсиб,  
Ўткирлашди тагин кўзларим.  
Мени қучиб кулар баҳор, яшнар гул, майса,  
Мисра – мисра бўлиб оқди, шундан, сўзларим.

Самарқанд 2006 йил

## AMIR TEMUR IZLARI

### 1.

#### MOVİY GUMBAZ OSTIDA SUHBAT

Samarcandda bir gumbaz bor, uning ostida  
Buyuk Temur tin oladi, maniq uaylab xob.  
Gumbaz uzra yonib turar yulduzlar tunda,  
Ko'zni olar peshtoqiga nuri tarab oftob.

Sukut saqlab ushbu moyiy gumbaz ostida  
Sohibqiron ruh pokiga qilurman ta'zim.  
Ko'z oldimdan o'tib ne-ne davru hodisa,  
Ulug' bobom so'zlarini eshitaman jim.

Har bir lutfda dunyo - dunyo ma'no va hikmat  
Bobom so'y lab, aytib berar tarixdan saboq.  
-Jangu jadal emas edi mendagi maqsad,  
Niyat - buyuk. yurtda buyuk davlat yaratmoq.

Ne baxt, ushbu tilaklarim bo'ldi ijobat,  
Turonimda bir sultanat tuzdimki buyuk,  
Tan olishdi uni ne - ne yurtu namlakat,  
Ushbu davlat umrimdan ham a'zizroq, suyuk.

Sultanatda yovuzlarga o'rin bermadim,  
O'zbek bo'ldi o'z eliga sohibi davron.  
Do'stga do'stu, g'animgarga bo'yin egmadim  
Tayyor turdim yurtga fidetmoq uchun jon!

O, tinglaymiz, sukut saqlab, ushbu so'zlarni,  
Tinglar uni bunda piru farzand, nabira.  
Tinglang siz ham  
Yoshu - keksa yurtdosh do'stlarim,  
Shunda hushyor tortajaksiz o'zni tobora!

Zinalardan sekin yurib, chiqib gumbazdan.  
His qilurman tug'ilganday o'zimni qayta.  
Ko'z o'ngimda yashnab turar qadim Samarqand,  
Odimlayman Temur bobom izidan asta.

Mehr bilan bobom boqib oppoq chechakka,  
Chumoliyu, qush holidan olurlar xabar.  
Qadam qo'yib Ko'hak tomon, chiqib yuksakka.  
Mamlakatning to'rt burchiga solurlar nazar.

Ko'rindi ushbu yerdan to'liq hur kishvar,  
Farg'onayu Toshkent, olis Xiva, Buxoro.  
Shahrisabzku sabza urib, yam — yashil yashnar,  
Osuda yurt quchog'ida tinchdir fuqaro.

Har qadamda ro'y bermishdir buyuk o'zgarish,  
Sahroda ham shahar barpo tengsiz bo'y — bastda.  
Tadbirkorlik bo'lgan yurtda kamayar tashvish,  
Qishloqlar ham bir — biridan go'zal — orasta.

Temur bobom qibla tomon burib yuzlarin  
Elu yurtning sharafiga qilurlar duo.  
Yeru osmon tinglar ul zot qutlug' so'zlarin:  
— Omon saqla, bul Vatanni rabbim, doimo!

Buyuk Temur — bizlar uchun o'rnak hamisha  
O'rnak — yurtni avaylashda, sevmak bobida  
Shundan yengib o'limlarni u mangu yashar,  
Bunga oddiy isbot — o'lmas ushbu obida!

Ulug' bobom bilan bo'lib birga bu lahza  
Fikr o'sib,  
O'tkirlashdi tag'in ko'zlarim..  
Meni quchib kular bahor, yashnar gul, maysa,  
Misra — misra bo'lib oqdi, shundan, so'zlarim.

Samarqand 2006 yil

## САМАРҚАНДДА АМИР ТЕМУР ҲАЙКАЛИ

— Кўксаройдан чиқиб,  
 Ушбу кенг хиёбонда  
 Бир нафаслик тин оляпман  
 Ташибидан холи.  
 Гарчи ҳоким бўлсам ҳамки,  
 Ярим жаҳонга,  
 Ўз шаҳримда ҳордиқ олмоқ —  
 Энг баҳти олий.

Кўп юргларни кезиб ҳамда  
 Забт айлаб ҳатто,  
 Самарқанддай гўзал шаҳар кўрмадим, рости  
 Гар бирлашса битта давлат бўлиб бу Дунё,  
 Арзир, бўлса ушбу шаҳар унинг пойтахти.

О, ярашар,  
 Зебу оро бўйи бастингга,  
 Сени жондан ортиқ кўриб,  
 Севаман шаҳрим.  
 Хиёбонда дам оляпман фақат бирпасга,  
 Менга мангу оромгоҳдур Онадай бағринг!

Самарқанд, 2006 йил.

## SAMARQANDDA AMIR TEMUR HAYKALI

— Ko`ksaroydan chiqib,  
 Ushbu keng xiyobonda  
 Bir nafaslik tin olyapman  
 Tashvishdan xoli  
 Garchi hokim bo`sam hamki,  
 Yarim jahonga,  
 O`z shahrimda hordiq olmoq —  
 Eng baxti oliy.

Ko`p yurtlarni kezib hamda  
 Zabt aylab hatto,  
 Samarqandday go`zal shahar ko`rmadim, rosti  
 Gar birlashsa bitta davlat bo`lib bu Dunyo,  
 Arzir, bo`lsa ushbu shahar uning poytaxti.

O, yarashar,  
 Zebu oro bo`yi bastingga,  
 Seni jondan ortiq ko`rib,  
 Sevaman shahrim.  
 Xiyobonda dam olyapman faqat birpasga,  
 Menga mangu oromgohdur Onaday bag`ring!

Samarqand, 2006 yil.

## БУХОРО МЕҲРИ

— Ота юртим Насаф эрса,  
Бухородир она шаҳрим.  
Иккиси ҳам суюқ менга,  
Иккиси ҳам ғуур, фахрим.

Менга азиз қадим Кешким,  
Бухоро ҳам қадрдондир.  
Самарқанд — шонли пойтахтим,  
Бухоро олтин қўрғондир.

Онам алла айтиб — айтиб,  
Бухоронинг меҳрин берган.  
**Стагинам йигит пайти**  
**Бу меҳрнинг төхриг кўрган.**

Болалиқдан ушбу боис  
Бухорони қадрладим,  
Тинч бўлсин деб, элу улус,  
Отни доим эгарладим.

Меҳр қўйиб бу масканни.  
Имкон қадар этдим обод.  
Кўпайтирдим мадрасани,  
Ариқларни қилдим буниёд.

Пирлар ўтган муқаддас жой.  
Гулзор бўлди, бўлди боф — роф.  
Нур таратиб қуёшгу, ой.  
Қалб юксалди мисоли тоғ.

Қанча меҳнат қилмай бунда,  
Доим уни кам деб билдим.  
Туғилганку онам шунда,  
Бу ишларни бурч деб қилдим.

### 3

#### BUXORO MEHRI

Ota yurtim Nasaf ersa,  
Buxorodir ona shahrim.  
Ikkisi ham suyuk menga,  
Ikkisi ham g'urur, faxrim.

Menga aziz qadim Keshkim,  
Buxoro ham qadrdondir.  
Samarqand – shonli poytaxtim,  
Buxoro oltin qo'rg'ondir.

Onam alla aytib – aytib,  
Buxoroning mehrin bergen.  
Otaginam yigit payti  
Bu mehrning sehrin ko'rgan.

Bolalikdan ushbu bois  
Buxoroni qadrladim,  
Tinch bo'lsin deb, elu ulus,  
Otni doim egarladim.

Mehr qo'yib bu maskanni.  
Imkon qadar etdim obod.  
Ko'paytirdim madrasani,  
Ariqlarni qildim bunyod.

Pirlar o'tgan muqaddas joy.  
Gulzor bo'ldi, bo'ldi bog' – rog'.  
Nur taratib quyoshu, oy.  
Qalb yuksaldi misoli tog'.

Qancha mehnat qilmay bunda,  
Doim uni kam deb bildimi.  
Tug'ilganku onam shunda,  
Bu ishlarni burch deb qildim.

Самарқанддан Шаҳрисабз тараф,  
Юрсанг, йўлинг эрур дара тоғ.  
Лол қоласан бу ҳолга қараб:  
Тоғ бағирлаб кетган улкан боғ.

Ушбу боғни барпо қилган ким,  
Ким сабзазор айлаган қирни.  
Юз – юз йиллаб бу боғнинг сўлим –  
Бўлишилиги сўйлар не сирни.

Гап шундаки, бунда илдизлар,  
Жойни хоҳлаб чуқурга кетмиш.  
Қучганидай баргни юлдузлар,  
Томирлари чашмага етмиш.

Ўз юртининг суюк фарзанди –  
Темур,  
Қирон солиб ёвларга,  
Мамлакатнинг осуда пайти.  
Асос солган шундай боғларга.

Бу боғлардан тароват ўчмас,  
Чунки сувга еттан томирлар.  
Бу боғ яшнар,  
У асло сўлмас,  
Тирик ахир бугун Темурлар!

Самарқанд

Samarqanddan Shahrisabz taraf,  
 Yursang, yo'ling erur dara tog'.  
 Lol qolasan bu holga qarab:  
 Tog' bag'irlab ketgan ulkan bog'.

Ushbu bog'ni barpo qilgan kim,  
 Kim sabzazor aylagan qirni.  
 Yuz – yuz yillab bu bog'ning so'lim –  
 Bo'lishligi so'ylar ne sirni.

Gap shundaki, bunda ildizlar,  
 Joyni xohlab chuqurga ketmish.  
 Quchganiday bargni yulduzlar,  
 Tomirlari chashmaga yetmish.

O'z yurtining suyuk farzandi –  
 Temur,  
 Qiron solib yovlarga,  
 Mamlakatning osuda payti.  
 Asos solgan shunday bog'larga.

Bu bog'lardan tarovat o'chmas,  
 Chunki suvg'a yetgan tomirlar.  
 Bu bog' yashnar,  
 U aslo so'lmas,  
 Tirik axir bugun Temurlar!

Samarqand

## МАҲМУД ТОРОБИЙ СҮЗИ

Маҳмуд Торобийман.

Жондор масканим.

Бир пайт топталганда азиз Ватаним

Юрт деб ўз жонидан кечган бир жонман,  
Сизларга жигарман, қондош инсонман!

Босқинчи ғанимлар эл – юртни талаб,

Шаҳру қишлоқларга ўт – олов қалаб –

Юрганида, ким ҳам тура олар жим.

Юракда денгиздай тошиб ғазабим,

Озодлик деб қўлга қурол олганман,

Неча бор душманга қирон солганман.

Албатта, курашда эмасдим ёлғиз,

Менга йўлдош бўлди кўплаб йигит, қиз,

Билакда кучи бор бизни қўллади,

Озодлик жангидা зафар тилади.

Неча бор тант этдик душманнинг ҳолин

Босқинчидан бўлди Бухоро холи...

О. бир гал, ёғийлар кўп эди бироқ,

Уларнинг қўлида беадад яроқ,

Ўшанда жанг кечди қаттиқ, шиддатли,

Ватан деб қон тўқди мардларнинг марди,

Йигитлар жон олиб ва бердилар жон,

Мен ҳам шу курашда бўлганман қурбон...

Беҳуда оқмади аммо қонимиз,

Бугун озод эрур Ватан – шонимиз!

Юртдошлар!

Сиз билан йиллар оша мен,

Тирик бўлиб ҳамон бирга яшаймен.

Тороб қишлоғида бордир изларим,

Юрт жамолин кўрар очиқ қўзларим,

Ватан ҳурлигидан дилда сурурим,

Жондор ҳам Бухоро – фахру фурурим.

Истиқлол бор бўлсин абадул – абад,

Юртим жамолига қўйнисин ҳеч гард.

Элнинг соҳиблари – ҳалқ омон бўлсин.

Қадамлари қуттуғ, нурафшон бўлсин!

## MAHMUD TOROBIY SO'ZI

Mahmud Torobiymen.  
Jondor maskanim.  
Bir payt toptalganda aziz Vatanim  
Yurt deb o'z jonidan kechgan bir jonman,  
Sizlarga jigarmen, qondosh insonman!  
Bosqinchi g'animlar el – yurtni talab,  
Shahru qishloqlarga o't – olov qalab –  
Yurganida, kim ham tura olar jim.  
Yurakda dengizday toshib g'azabim,  
Ozodlik deb qo'lga qurol olganman,  
Necha bor dushmanga qiron solganman.  
Albatta, kurashda emasdım yolg'iz,  
Menga yo'ldosh bo'ldi ko'plab yigit, qiz,  
Bilakda kuchi bor bizni qo'lladi,  
Ozodlik jangida zafar tiladi.  
Necha bor tang etdik dushmanning holin  
Bosqinchidan bo'ldi Buxoro xoli...  
O, bir gal, yog'iylar ko'p edi biroq,  
Ularning qo'lida beedad yaroq,  
O'shanda jang kechdi qattiq, shiddatli,  
Vatan deb qon to'kdi mardlarning mardi,  
Yigitlar jon olib va berdilar jon,  
Men ham shu kurashda bo'lganman qurban...  
Behuda oqmadi ammo qonimiz,  
Bugun ozod erur Vatan – shonimiz!  
Yurtdoshlar!  
Siz bilan yillar osha men,  
Tirik bo'lib hamon birga yashaymen.  
Torob qishlog'ida bordir izlarim,  
Yurt jamolin ko'rар ochiq ko'zlarim,  
Vatan hurligidan dilda sururim,  
Jondor ham Buxoro – faxru g'ururim.  
Istiqlol bor bo'lsin abadul – abad,  
Yurtim jamoliga qo'nmasin hech gard.  
Elning sohiblari – xalq omon bo'lsin.  
Qadamlari qutlug', nurafshon bo'lsin!

## **ФИЖДУВОН ВАСФИ**

Бугун қалам олсам қўлга,  
Илҳом келди жўшиб дилга  
Уни берди бу кўнгилга  
Фиждувонлик, фиждувонлик.

Иш – юмушда моҳир, чақон,  
Дала – даштда уста дехон.  
Кенг саҳрода марду майдон –  
Фиждувонлик, фиждувонлик.

Тоғ – тоғ бўйур ҳар йил пахта,  
Пиллакори турар аҳдда,  
Дондан хирмон уяр катта –  
Фиждувонлик, фиждувонлик.

Жонга ҳузур, танга шифо –  
Қанду қурсу, ширин ҳалво.  
Барчасига уста, зукко –  
Фиждувонлик, фиждувонлик.

Кулолсозлик – қадим ҳунар,  
Чинни каби жилоланар,  
Сопол буюм ясаса гар –  
Фиждувонлик, фиждувонлик.

Қаранг, ушбу нони ширмой –  
Қуёшмикан ва ёки ой.  
Буни ёпган машҳур нонвой –  
Фиждувонлик, фиждувонлик.

Ҳофизлари олий мақом,  
Юксалган бунда шашмақом.  
Санъатни эъзозлар мудом –  
Фиждувонлик, фиждувонлик.

Меҳнат азал шарафдир, шон,  
Кўплар олган олий унвон  
Достон бўлган Зайнаб, Омон –  
Фиждуонлик, фиждуонлик.

Номдор олим, шоирлари,  
Ўз касбининг моҳирлари,  
Носирлари, ноширлари –  
Фиждуонлик, фиждуонлик.

Кундан – кунга яшнар бу юрт  
Бу юртда бор барака, қут,  
Нияти соф, юраги бут –  
Фиждуонлик, фиждуонлик.

Бунда ўтган кўп уламо,  
Дин исломга бериб оро –  
Абдулхолик – пиру доно –  
Фиждуонлик, фиждуонлик.

Хуллас, қадам қўйган сари,  
Яшнар киши дилу баҳри,  
Гуломнинг ҳам ғуур, фахри –  
Фиждуонлик, фиждуонлик.

Фиждуон, 2005 йил

## G'IJDUVON VASFI

Bugun qalam olsam qo'lga,  
Ilhom keldi jo'shib dilga  
Uni berdi bu ko'ngilga  
G'ijduvonlik, g'ijduvonlik.

Ish – yumushda mohir, chaqqon,  
Dala – dashtda usta dehqon.  
Keng sahroda mardu maydon –  
G'ijduvonlik, g'ijduvonlik.

Tog` – tog` bo'lur har yil paxta,  
Pillakori turar ahdda,  
Dondan xirmon uyar katta –  
G'ijduvonlik, g'ijduvonlik.

Jonga huzur, tanga shifo –  
Qandu qursu, shirin halvo,  
Barchasiga usta, zukko –  
G'ijduvonlik, g'ijduvonlik.

Kulolsozlik – qadim hunar,  
Chinni kabi jilolanar,  
Sopol buyum yasaşa gar –  
G'ijduvonlik, g'ijduvonlik.

Qarang, ushbu noni shirmoy –  
Quyoshmikan va yoki oy.  
Buni yopgan mashhur nonvoy –  
G'ijduvonlik, g'ijduvonlik.

Hofizlari oliv maqom,  
Yuksalgan bunda shashmaqom.  
San'atni e'zozlar mudom –  
G'ijduvonlik, g'ijduvonlik.

Mehnat azal sharafdir, shon,  
Ko'plar olgan oliy unvon  
Doston bo'lgan Zayniab, Omon –  
G'ijduvonlik, g'ijduvonlik.

Nomdor olim, shoirlari,  
O'z kasbining mohirlari,  
Nosirlari, noshirlari –  
G'ijduvonlik, g'ijduvonlik.

Kundan – kunga yashnar bu yurt  
Bu yurtda bor baraka, qut,  
Niyati sof, yuragi but –  
G'ijduvonlik, g'ijduvonlik.

Bunda o'tgan ko'p ulamo,  
Din islomga berib oro –  
Abdulxoliq – piru dono –  
G'ijduvonlik, g'ijduvonlik.

Xullas, qadam qo'ygan sari,  
Yashnar kishi dilu bahri,  
G'ulomning ham g'urur, faxri –  
G'ijduvonlik, g'ijduvonlik.

G'ijduvon, 2005 yil

## ИЛҲОМ САФАР ЁДИ

Рўй берсайди тасодиф агар:  
Қолсанг эди бирдан тирилиб,  
Элнинг меҳри сенга нақадар,  
Чексизлигин олардинг билиб.

Таъзиянгда яқин – йироқдан,  
Одам келиб тумонат бўлди.  
Ёш тўкилди не – не қароғдан,  
Қабринг усти гулларга тўлди.

Яхши одам эдинг, Илҳомжон,  
Қаламкаш, ўз ишига моҳир.  
Бир гап бўлса қаерда, қачон,  
Ўша ерда бўлардинг ҳозир.

Дўстларга дўст, дилкаш, меҳрибон,  
Ҳазиллашни кўрар эдинг хуш.  
Сенга ҳеч ким эмасди ёмон,  
Сенга ҳамма очарди оғуш.

Шундан, бугун орқангда қолиб,  
Катта – кичик чекар надомат:  
Қилолмадик ўз пайтида деб,  
Унга лойиқ эътибор, ҳурмат.

Яхши одам эдинг, Илҳомжон,  
Ҳали кўп бор билинар қадринг.  
Унутмайди эл – юрт ҳеч қачон  
Мангу қолур ёзган ҳар сатринг.

Бу дунё шу:  
Ҳамма ўтади,  
Ҳеч ким бўлмас оламда устун.  
Умр қушдай учиб кетади,  
Боқий ҳаёт бошланар кейин –

Ким ҳалол — пок яшаган бўлса,  
Номи тушмас асло тиллардан.  
Сен яшадинг шундай,  
Алқисса,  
Ёдинг ўчмас энди диллардан!

2005 йил

### ILHOM SAFAR YODI

Ro'y bersaydi tasodif agar:  
Qolsang edi birdan tiriliw,  
Elning mehri senga naqadar,  
Cheksizligin olarding bilib.

Ta'ziyangda yaqin — yiroqdan,  
Odam kelib tumonat bo'ldi.  
Yosh to'kildi ne — ne qarog'dan,  
Qabring usti gullarga to'ldi.

Yaxshi odam eding, Ilhomjon,  
Qalamkash, o'z ishiga mohir.  
Bir gap bo'lsa qaerda, qachon,  
O'sha yerda bo'larding hozir.

Do'stlarga do'st, dilkash, mehribon,  
Hazillashni ko'rар eding xush.  
Senga hech kim emasdi yomon,  
Senga hamma ochardi og'ush.

Shundan, bugun orqangda qolib,  
Katta — kichik chekar nadomat:  
Qilolmadik o'z paytida deb,  
Unga loyiq e'tibor, hurmat.

Yaxshi odam eding, Ilhomjon,  
Hali ko`p bor bilinar qadring.  
Unutmaydi el — yurt hech qachon  
Mangu qolur yozgan har satring.

Bu dunyo shu:  
Hamma o'tadi,  
Hech kim bo`lmas olamda ustun.  
Umр qushday uchib ketadi,  
Boqiy hayot boshlanar keyin —

Kim halol — pok yashagan bo`lsa,  
Nomi tushmas aslo tillardan.  
Sen yashading shunday,  
Alqissa,  
Yoding o`chmas endi dillardan!

2005 yil

## **П.ИККИ БОР ЯШАШГА ЕТАДИ УМР**

**РУБОЙИ,  
ТУЮҚ,  
ТҮРТЛИКЛАР**

Үрик дарахтиман, мевамдан кейин,  
Зар бўлиб товланар кузда баргларим.  
Сўнг тўкилар улар бағримдан секин –  
Бўлиб рубоий, туюқ, фардларим

O'rik daraxtiman, mevamdan keyin,  
Zar bo'lib tovlanar kuzda barglarim.  
So'ng to'kilar ular bag'rimdan sekin –  
Bo'lib ruboiy, tuyuq, fardlarim

## 1.

Номинг қолдиролмас бойлик, шуҳратинг,  
Отни ҳуркитолмас савлат, суратинг.  
Авлодлар эъзозлар ёдингни бешак,  
Қанчалик бой кечган бўлса сийратинг.

Noming qoldirolmas boylik, shuhrating,  
Otni hurkitolmas savlat, surating.  
Avlodlar e'zozlar yodingni beshak,  
Qanchalik boy kechgan bo'lsa siyrating.

## 2.

Улғайдим ва билдим умр сўқмоғин,  
Энг сўнгги сарҳади фанолик экан.  
Лекин адо бўлмай ёқсанг чироғинг,  
Ундан нари ёғи бақолик экан.

Ulg'aydim va bildim umr so'qmoq'in,  
Eng so'nggi sarhadi fanolik ekan.  
Lekin ado bo'lmay yoqsang chirog'ing,  
Undan nari yog'i baqolik ekan.

## 3.

Қўллар сўзламайди, тил сўзлар нега?  
Тил нечун сўзлайди, сўзламас оёқ?  
Чунки энг яқини тилдир мияга,  
Чунки тил яқиндир юракка кўпроқ.

Qo'llar so'zlamaydi, til so'zlar nega?  
Til nechun so'zlaydi, so'zlamas oyoq?  
Chunki eng yaqini tildir miyaga,  
Chunki til yaqindir yurakka ko'proq.

**4.**

Уруғдан чиққанда бўлса ҳам беҳол,  
 Шамолга дош бериб юксалди ниҳол.  
 Энди у яшнаган, бақувват дараҳт,  
 Буюк бир ибратдир инсонга бу ҳол.

Urug'dan chiqqanda bo'lsa ham behol,  
 Shamolga dosh berib yuksaldi nihol.  
 Endi u yashnagan, baquvvat daraxt,  
 Buyuk bir ibratdir insonga bu hol.

**5.**

Икки одам бир хилда ўйлар,  
 Бир фикрни, бир гапни сўйлар,  
 Келишолмас лекин ўзаро,  
 Чунки ўзга – ўзгадир тиллар.

Ikki odam bir xilda o'ylar,  
 Bir fikrni, bir gapni so'ylar,  
 Kelisholmas lekin o'zaro,  
 Chunki o'zga – o'zgadir tillar.

**6.**

Шамол увлар, увлар, беадад,  
 Увлашида на мазмун, мақсад,  
 Балки сезиб ўзин ҳолини,  
 Уввос тортар, қурсин деб қисмат.

Shamol uvlar, uvlar, beedad,  
 Uvlashida na mazmun, maqsad,  
 Balki sezib o'zin holini,  
 Uvvos tortar, qursin deb qismat.

7.

Хўп митти жон эрур чумоли,  
Меҳнатижон эрур чумоли.  
Тўкин яшарки, ушбу важдан,  
Ўзига хон эрур чумоли.

Xo`p mitti jon erur chumoli,  
Mehnatijon erur chumoli.  
To`kin yasharki, ushbu vajdan,  
O`ziga xon erur chumoli.

8.

Ким бу оламда ғолиб, баҳодир,  
Ҳар қандай душманинг өнгишга қодир?  
Кимки ўз нафсини енгса, ўлдирса,  
Ўшадир паҳлавон, ўшадир ботир!

Kim bu olamda g`olib, bahodir,  
Har qanday dushmanni yengishga qodir?  
Kimki o`z nafsi yengsa, o`ldirsa,  
O'shadir pahlavon, o'shadir botir!

9.

Қуруқ гулдировчи садо айлама,  
Нафс деб талпинувчи гадо айлама.  
Тупроққа қоришсам, қолдир сўзимни,  
Беному бенишон адо айлама.

Quruq guldirovchi sado aylama,  
Nafs deb talpinuvchi gado aylama.  
Tuproqqa qorishsam, qoldir so'zimni,  
Benomu benishon ado aylama.

## 10.

Сен менга ҳукмдор, шоҳу — султонсан,  
Ҳам қулим, булбулим, тўти хушхонсан.  
Сенсиз сиёҳ бўлур умрим осмони,  
Қуёшим, юлдузим, моҳи тобонсан.

Sen menga hukmdor, shohu — sultonsan,  
Ham qulim, bulbulim, to'ti xushxonsan.  
Sensiz siyoh bo'lur umrim osmoni,  
Quyoshim, yulduzim, mohi tobonsan.

## 11.

Мол — мулкқа қўймагил меҳру — муҳаббат,  
У сенга бермайди роҳат, ҳаловат.  
Содиқман дейдию қилмайди вафо,  
Сен кетсанг, ўзгани аврайди, албат.

Mol — mulkka qo'ymagil mehru — muhabbat,  
U senga bermaydi rohat, halovat.  
Sodiqman deydiyu qilmaydi vafo,  
Sen ketsang, o'zgani avraydi, albat.

## 12.

Хўп ёмонлар бор экан афсус,  
Ёмон демоқ улар учун кам.  
Хўп яхшилар бор, алалхусус,  
Кам уларни яхши демоқ ҳам.

Xo'r yomonlar bor ekan afsus,  
Yomon demoq ular uchun kam.  
Xo'r yaxshilar bor, alalxusus,  
Kam ularni yaxshi demoq ham.

### 13.

Ҳуснинг гўзал мисоли ойдек,  
Таровати сўлмаган гулсан.  
Қўлдан қўлга ўтсанг, гулман деб,  
Эрта қадри кетган бир пулсан.

Husning go`zal misoli oydek,  
Tarovati so`lmagan gulsan.  
Qo`ldan qo`lga o`tsang, gulman deb,  
Erta qadri ketgan bir pulsan.

### 14.

Ширин сўзлар майли демагил,  
Аччиқ сўзни одат этмагил.  
Кел, кел десам, келмагил майли,  
Кет, кет десам, асло кетмагил.

Shirin so`zlar mayli demagil,  
Achchiq so`zni odat etmagil.  
Kel, kel desam, kelmagil mayli,  
Ket, ket desam, aslo ketmagil.

### 15.

Сен ой эмассан, кўзинг ҳам юлдуз,  
Сочинг сунбул эмас, қошинг ҳам қундуз.  
Лекин жамолингдан кўз тўймас асло,  
Ҳусни малоҳатинг, бетаъриф, бесўз.

Sen oy emassan, ko`zing ham yulduz,  
Soching sunbul emas, qoshing ham qunduz.  
Lekin jamolingdan ko`z to`ymas aslo,  
Husni malohating, beta'rif, beso`z.

## 16.

Бирор жойда топмасдан қўним,  
Шамол эсар, эсар бетиним.  
Йўқ мен асло шамол эмасман,  
Бордир менинг юртим, Ватаним.

Biror joyda topmasdan qo'nim,  
Shamol esar, esar betinim.  
Yo'q men aslo shamol emasman,  
Bordir mening yurtim, Vatanim.

## 17.

Кўзинг мунча қора кишмиши,  
Юзинг қизил олманинг нақши.  
Лабинг лаъли, гиолос рангида,  
Ўзинг – ўзинг, ҳаммадан яхши.

Ko'zing muncha qora kishmishi,  
Yuzing qizil olmaning naqshi.  
Labing la'li, giilos rangida,  
O'zing – o'zing, hammadan yaxshi.

## 18.

Тўрт фаслда учта ранг: яшил, сариқ, ҳамда оқ,  
Кўнглимни айлар тоза, мусаффо, қор каби оқ.  
Ҳамма ранг ҳам бор бўлсин, лекин уч ранг, наҳрида,  
Мудом яшнаб, юрагим, оқавергин, яйраб оқ!

To'rt faslda uchta rang: yashil,sariq, hamda oq,  
Ko'nglimni aylar toza, musaffo, qor kabi oq.  
Hamma rang ham bor bo'lsin, lekin uch rang, nahrida,  
Mudom yashnab, yuragim, oqavergin, yayrab oq!

## 19.

Кўзимга тор эди ушбу кенг дунё,  
Наздимда осмон ҳам бенур, безиё.  
Хайрият, сен келиб жилмайдинг эркам,  
Бу олам кенгайиб, нурланди само.

Ko'zimga tor edi ushbu keng dunyo,  
Nazdimda osmon ham benur, beziyo.  
Xayriyat, sen kelib jilmayding erkam,  
Bu olam kengayib, nurlandi samo.

## 20.

Табиат китобдир, ҳар гиёҳ – достон,  
Уни битмаклик ҳам бўлмаган осон.  
Китобнинг ҳар сатрин авайланг, дўстлар,  
Ўқисин уни ҳам келгуси инсон.

Tabiat kitobdir, har giyoh – doston,  
Uni bitmaklik ham bo'lмаган oson.  
Kitobning 'har satrin avaylang, do'stlar,  
O'qisin uni ham kelgusi inson.

## 21.

Ахир менда йўқдир, бил, зару – зийнат,  
Фарзандларга қолар на молу – давлат.  
Фақат қолар мендан мерос – ҳалоллик.  
Излаб топганларим тиллом – шеърият.

Axir menda yo'qdir, bil, zaru – ziynat,  
Farzandlarga qolar na molu – davlat.  
Faqat qolar mendan meros – halollik,  
Izlab topganlarim tillom – she'riyat.

## 22.

Мен нечун севаман сени дилбарим,  
Эркалаб дейманки, пари – пайкарим.  
Чунки сен ўзингсан башар тимсоли,  
Аччиғим, туршагим, шаҳду шакарим.

Men nechun sevaman seni dilbarim,  
Erkalab deymanki, pari – paykarim.  
Chunki sen o'zingsan bashar timsoli,  
Achchig'im, turshagim, shahdu shakarim.

## 23.

Дардсиз bemорларга шифо йўқ, ионон,  
Дардлилар дардига топилур дармон.  
Оҳ, менинг қалбдаги дардларим эса,  
Тузалмас, ушалмас армондир, армон.

Dardsiz bemorlarga shifo yo`q, inon,  
Dardlilar dardiga topilur darmon.  
Oh, mening qalbdagi dardlarim esa,  
Tuzalmas, ushalmas armondir, armon.

## 24.

Сен менинг қанотим, қўлим – бармоғим,  
Аҳдим эди, сенга бугун – бормоғим.  
Бордиму кўрмадим, аммо илтифот,  
Афсус, қолавердим тишлаб бармоғим.

Sen mening qanotim, qo`lim – barmog'im,  
Ahdim edi, senga bugun – bormog'im.  
Bordimu ko`rmadim, ammo iltifot,  
Afsus, qolaverdim tishlab barmog'im.

## 25.

Доимо тифиздир вақту дақиқа,  
Мақсадинг баён қил лўнда ҳам қисқа.  
Билгилки, тингламас ҳеч қачон, ҳеч ким,  
Сўзинг узун бўлса, бемаъни, сийқа.

Doimo tig'izdir vaqtu daqiqa,  
Maqsading bayon qil lo'nda ham qisqa.  
Bilgilki, tinglamas hech qachon, hech kim,  
So'zing uzun bo'lsa, bema'ni, siyqa.

## 26.

Отилган ўқ каби тез ўтар умр,  
Ихтиёри қўлдан тез кетар умр.  
Ҳаётинг сарф этсанг эзгу ишларга,  
Икки бор яшашга бил, етар умр.

Otilgan o'q kabi tez o'tar umr,  
Ixtiyorri qo'lidan tez ketar umr.  
Hayoting sarf etsang ezgu ishlarga,  
Ikki bor yashashga bil, yetar umr.

## 27.

Бу дунё вафоми, сафоми, жафо,  
Бу ҳақда ўйлади не оқил, доно.  
Биронга сафодир, биронга жафо –  
Қалбимнинг тўридан келди бу садо.

Bu dunyo vafomi, safomi, jafo,  
Bu haqda o'ylaydi ne oqil, dono.  
Bironga safodir, bironga jafo –  
Qalbimning to'ridan keldi bu sado.

28.

Оламда кун кўрар ҳар тоифа жон,  
Одамлар, ҳайвонлар, қушлар безабон.  
Ақлли қушлар бор, идрокли ҳайвон,  
Баъзи кимсалар – чи ҳайвондан ёмон.

Olamda kun ko'rар har toifa jon,  
Odamlar, hayvonlar, qushlar bezabon.  
Aqlli qushlar bor, idrokli hayvon,  
Ba'zi kimsalar – chi hayvondan yomon.

29.

Сенинг кулишларинг жонимга роҳат,  
Руҳимга бахш этар шодлик, фароғат.  
Кулгинг қиёсини ўйлаб топмадим,  
Қўшиқми, куйми ё энг юксак санъат.

Sening kulishlaring jonimga rohat,  
Ruhimga baxsh etar shodlik, farog'at.  
Kulging qiyosini o'ylab topmadim,  
Qo'shiqmi, kuymi yo eng yuksak san'at.

30.

Коинот чексиздир, чексиздир ер ҳам,  
Уни тор деб ўйлар, бил, нодон одам.  
Сен эса доимо кўнглингни кенг қил,  
Кенгга кенг дунёдир, торга – тор олам.

Koinot cheksizdir, cheksizdir yer ham,  
Uni tor deb o'ylar, bil, nodon odam.  
Sen esa doimo ko'nglingni keng qil,  
Kengga keng dunyodir, torga – tor olam.

### 31.

Бир умр алдадинг, фақат, алдадинг,  
Алдаш эса сени севган одатинг.  
Баҳору ёзингку завқлидай кечди,  
Қиши келди, қани у баҳт – саодатинг.

Bir umr aldading, faqat, aldading,  
Aldash esa seni sevgan odating.  
Bahoru yozingku zavqliday kechdi,  
Qish keldi, qani u baxt – saodating.

### 32.

Диққатимни тортди илк куз осмони:  
Секин имиллади булут карвони.  
Ҳаво намхуш эса уфқда қуёш,  
Ҳосилни йигишга ундар дәхқонни.

Diqqatimni tortdi ilk kuz osmoni:  
Sekin imillaydi bulut karvoni.  
Havo namxush esa ufqda quyosh,  
Hosilni yig`ishga undar dehqonni.

### 33.

Ҳеч кимга қилмадим ҳаргиз ёмонлик,  
Бермадилар аммо менга омонлик.  
Дунёда энг ёмон, энг ёмон киши –  
Тили – бүёнлигу, дили – уёнлик.

Hech kimga qilmadim hargiz yomonlik,  
Bermadilar ammo menga omonlik.  
Dunyoda eng yomon, eng yomon kishi –  
Tili – buyonligu, dili – uyonalik.

34.

Эрталаб бօғ кездим, қушлар сайдайди,  
Юракка бол берар гулларнинг атри.  
Рұҳим ҳаводай соғ, танам яйрайди,  
Шунинг ўзи, шукур, Оллоҳнинг хайри!

Ertalab bog` kezdim, qushlar sayraydi,  
Yurakka bol berar gullarning atri.  
Ruhim havoday sof, tanam yayraydi,  
Shuning o`zi, shukur, Ollohning xayti!

35.

Хайрият, қүёш бор, чароғон олам,  
Хайрият, ер бордир, босамиз қадам.  
Хайрият, муҳаббат бордир дунёда,  
Бир – бирига меҳр – ла боқади одам.

Xayriyat, quyosh bor, charoq`on olam,  
Xayriyat, yer bordir, bosamiz qadam.  
Xayriyat, muhabbat bordir dunyoda,  
Bir – biriga mehr – la boqadi odam.

36.

– Мунча қон ҳайдайсан тинмай юрагим,  
Ўзингни кўп қийнаб, қўйиб азобга.  
– Шукур қил. – мен соғман, бўлмаса бағринг,  
Қачонлар тўларди лахта зардобга.

– Muncha qon haydaysan tinmay yuragim,  
O'zingni ko'p qiynab, qo'yib azobga.  
– Shukur qil. – men sog'man, bo'lmasa  
bag'ring,  
Qachonlar to'lardi laxta zardobga.

37.

Мен орзу қилардим, нурли оламда,  
Завқали яшамоқни, шавқали ҳаётни.  
Тақдир дучор қилди турли одамга,  
Завқ ўрнига берди, баъзан фарёдни.

Men orzu qilardim, nurli olamda,  
Zavqli yashamoqni, shavqli hayotni.  
Taqdir duchor qildi turli odama,  
Zavq o'miga berdi, ba'zan faryodni.

38.

Ой сайр этмоқда кўкни тўлдириб,  
Юлдузлар жимиirlаб, беришар салом.  
Бу ҳолдан сурурга тўлиб юрагим,  
Дардини унутар ва олар илҳом.

Oy sayt etmoqda ko'kni to'ldirib,  
Yulduzlar jimirlab, berishar salom.  
Bu holdan sururga to'lib yuragim,  
Dardini unutar va olar ilhom.

39.

Тонг отиб, у барқут камзулин ечди,  
Бошидан ҳам олди қундузи бўркин.  
Шу гўзал – тун эди худди кечаги,  
Кундуз деб ном олди кўз – кўзлаб кўркин!

Tong otib, u barqut kamzulin yechdi,  
Boshidan ham oldi qunduzi bo'rkin.  
Shu go'zal – tun edi xuddi kechagi,  
Kunduz deb nom oldi ko'z – ko'zlab ko'rkin!

## 40.

Бироўда обрўй бор, бироўда давлат,  
Бироўда илм бор, бироўда санъат.  
Қай бири муҳимдир, зарур инсонга,  
— Барин етакловчи ақлу заковат!

Birovda obro' bor, birovda davlat,  
Birovda ilm bor, birovda san'at.  
Qay biri muhimdir, zarur insong'a,  
— Barin yetaklovchi aqlu zakovat!

## 41.

Дунёда энг қабиҳ улкан гуноҳкор —  
Кишилар ичидა юрган риёкор.  
Чунки у сиртида дўст, ғамхўр, бўлиб,  
Душманлик қиласи зимдан бадкирдор.

Dunyoda eng qabih ulkan gunohkor —  
Kishilar ichida yurgan riyokor.  
Chunki u sirtida do'st, g'amxo'r, bo'lib,  
Dushmanlik qiladi zimdan badkirdor.

## 42.

Умр ўтаверар, ўтади ҳаёт,  
Чархпалак тинимсиз айланаверар.  
Буни била туриб ахир одамзот,  
Бир — бирига нечун разиллик қиласи?

Umr o'taverar, o'tadi hayot,  
Charxpalak tinimsiz aylanaverar.  
Buni bila turib axir odamzot,  
Bir — biriga nechun razillik qilar?

43.

Хоҳ саҳар, хоҳ кундуз, хоҳи кеч оқшом,  
Йўлда қатнов қайнар, билмай тинимни.  
Шу йўсин йўл ишлар, ишлар беором,  
Шу йўсин йўл яшар кўрмай ўлимни!

Xoh sahar, xoh kunduz, xohi kech oqshom,  
Yo'lda qatnov qaynar, bilmay tinimni.  
Shu yo'sin yo'l ishlar, ishlar beotorom,  
Shu yo'sin yo'l yashar ko'rmay o'limni!

44.

Дунёда ҳавас бор ва бордир ҳасад,  
Иккиси — икки уфқ, икки хил жиҳат.  
Сен шундай яшагин, ҳавас этсинлар,  
Ҳасаднинг тошлари тегмасин ҳеч пайт.

Dunyoda havas bor va bordir hasad,  
Ikkisi — ikki ufq, ikki xil jihat.  
Sen shunday yashagin, havas etsinlar,  
Hasadning toshlari tegmasin hech payt.

45.

Бунча ҳам чўзилди орада ҳижрон,  
Соғинчдан ўртаниб бағрим бўлди қон.  
Хайрият, васлингга етдим, ниҳоят,  
Жаҳонни яйратди танамдаги жон!

Buncha ham cho'zildi orada hijron,  
Sog'inchdan o'rtanib bag'rim bo'ldi qon.  
Xayriyat, vaslingga yetdim, nihoyat,  
Jahonni yayratdi tanamdag'i jon!

## 46.

Турмушни сақлайди иккита устун,  
Бириси – эр, бўлса, бириси – хотун.  
Устун пойдевори – ишонч ҳам вафо,  
Буларга дарз кетса, барчаси – кукун!

Turmushni saqlaydi ikkita ustun,  
Birisi – er, bo'lsa, birisi – xotun.  
Ustun poydevori – ishonch ham vafo,  
Bularga darz ketsa, barchasi – kukun!

## 47.

Ватаним бўлгунча ҳуру мустақил,  
Кўприклар тор эди, ожиз мисли қил.  
Энди – чи олис ва ойдин йўлларда,  
Кўприклар кўпайди пишиқ ва асл.

Vatanim bo'lguncha huru mustaqil,  
Ko'priklar tor edi, ojiz misli qil.  
Endi – chi olis va oydin yo'llarda,  
Ko'priklar ko'paydi pishiq va asl.

## 48.

Кўқдан ёғар майин юмшоқ қор,  
Ажиб ҳислар солиб юракка.  
Қор – эҳтирос пок ва бегубор,  
Улоқтирманг солиб куракка.

Ko'kdan yog'ar mayin yumshoq qor,  
Ajib hislar solib yurakka.  
Qor – ehtiros pok va beg'ubor,  
Uloqtirmang solib kurakka.

49.

Мен ташна яшадим ҳаётда мудом,  
Не ишни айладим, асло қонмадим.  
Шунданми ҳаётда бор саҳву хатом,  
Шунданми чопмади баъзан омадим.

Men tashna yashadim hayotda mudom,  
Ne ishni ayladim, aslo qonmadim.  
Shundanmi hayotda bor sahvу xatom,  
Shundanmi chopmadi ba'zan omadim.

50.

Отилган ўқ эрур, бил, айтилган гап,  
Энди ўқ қайтмайди ортига қараб.  
Таънаю, дашномга қолмайин десанг,  
Ёшлиқдан қадаминг босгин авайлаб.

Otilgan o'q erur, bil, aytilgan gap,  
Endi o'q qaytmaydi ortiga qarab.  
Ta'nayu, dashnomga qolmayin desang,  
Yoshlikdan qadaming bosgin avaylab.

51.

Сен ҳақни гапиргин, сўйлагин ростни,  
Хоҳ жойинг тахт бўлсин, хоҳ оёқ ости.  
Ўшандা буюргай тахтинг ўзингга,  
Ўрнинг оёқ остимас, бўлур бош усти!

Sen haqni gapirgin, so'ylagin rostni,  
Xoh joying taxt bo'lzin, xoh oyoq osti.  
O'shanda buyurgay taxting o'zingga,  
O'rning oyoq ostimas, bo'lur bosh usti!

52.

Ҳар қўйган қадаминг савобми, гуноҳ,  
Ўзингга аёндир, ўзингта огоҳ.  
Ўйлайсан сиримни ҳеч ким билмас деб,  
Оллоҳга аёндир, тўрт девор – гувоҳ.

Har qo'ygan qadaming savobmi, gunoh,  
O'zingga ayondir, o'zingga ogoh.  
O'ylaysan sirimni hech kim bilmas deb,  
Ollohga ayondir, to'rt devor – guvoh.

53.

Туғилмоқ бир кундири, ўлмоқлик – бир кун,  
Дунёга яшамоқ, бўлмоқлик – бир кун.  
Бил, ўргадаги кун – синов муддати,  
Шул боис туюлар узундан узун.

Tug'ilmoq bir kundir, o'lmoqlik – bir kun,  
Dunyoga yashamoq, bo'lmoqlik – bir kun.  
Bil, o'rtadagi kun – sinov muddati,  
Shul bois tuyular uzundan uzun.

54.

Ўқиб мақол, нақлу эртакни,  
Билдим ширин, аччиқ, туршакни.  
Фийбатчига айтилган ҳақ гап,  
Гапир, аввал ёпиб этакни!

O'qib maqol, naqlu ertakni,  
Bildim shirin, achchiq, turshakni.  
G'iybatchiga aytilgan haq gap,  
Gapir, avval yopib etakni!

## 55.

Эй ўғлон, бу гапни қулоққа илгил,  
Онангга, отангга яхшилик қилғил.  
Эрта топмагайсан, уларни излаб,  
Бугун сен ularning қадрини билгил.

Ey o'g'lon, bu gapni quloqqa ilgil,  
Onangga, otangga yaxshilik qilg'il.  
Ertä topmagaysan, ularni izlab,  
Bugun sen ularning qadrini bilgil.

## 56.

Мен бўлиб хумори зоринг, ўтаман,  
Шул боис ҳар кун ёнингдан ўтаман.  
Сен эса қилмайсан парво ҳолима,  
Тун ёниб, кундуз куяман ўтдаман.

Men bo'lib xumori zoring, o'taman,  
Shul bois har kun yoningdan o'taman.  
Sen esa qilmaysan parvo holima,  
Tun yonib, kunduz kuyaman o'tdaman.

## 57.

Жаҳлинг чиқса чақир сабрни,  
Юрагингга қилма жабрни.  
Бу ҳолат ҳам ўтади, албат,  
Қисқартирма қисқа умрни.

Jahling chiqsa chaqir sabrni,  
Yuragingga qilma jabrni.  
Bu holat ham o'tadi, albat,  
Qisqartirma qisqa umrni.

58.

Қандай соз, хусусий боғу токзорлар,  
Қандай соз, хусусий дўкон, бозорлар.  
Майитни кўммоқлик кўп қийин кечар,  
Алҳазар, хусусий бўлса мозорлар.

Qanday soz, xususiy bog'u tokzorlar,  
Qanday soz, xususiy do'kon, bozorlar.  
Mayitni ko'mmoqlik ko'p qiyin kechar,  
Alhazar, xususiy bo'lsa mozorlar.

59.

Сенга яшамоққа берилган рухсат—  
Муддати кўп эмас, жуда оз фурсат.  
Бил, умр ёнару ўчар яшиндай,  
Бесамар ўтмасин ҳар дам, ҳар соат.

Senga yashamoqqa berilgan ruxsat—  
Muddati ko'p emas, juda oz fursat.  
Bil, umr yonaru o'char yashinday,  
Besamar o'tmasin har dam, har soat.

60.

Бош кўтарди уфқдан ой — қамар,  
Бўғриқиб, қизариб ранг — туси:тилло,  
Ювиниб тараниб ростлагач қомат,  
Шуълага чўлғаниб таратди зиё.

Bosh ko'tardi ufqdan oy — qamar,  
Bo'g'riqib, qizarib rang — tusi:tillo,  
Yuviniib taranib rostlagach qomat,  
Shu'laga cho'lg'anib taratdi ziyo.

## 61.

Тонг олди, уфқقا оқ нур ёйилар,  
Саҳар олиб келди янги бир олам.  
Қушлар шодон бўлиб ашула айтар,  
Завқли ҳиссиёт – ла ташлайман қадам...

Tong oldi, ufqqa oq nur yoyilar,  
Sahar olib keldi yangi bir olam.  
Qushlar shodon bo`lib ashula aytar,  
Zavqli hissiyot – la tashlayman qadam...

## 62.

Бу йўлларда кўп экан қусур, хатолик,  
Ҳар бир ҳато келтирас жонга жафолик.  
Ҳаракат қил, аввало яша бекусур,  
Хатонгчун узр сўра, бўлма жазолик.

Bu yo'llarda ko'r ekan qusur, xatolik.  
Har bir xato keltirar jonga jafolik.  
Harakat qil, avvalo yasha bequsur,  
Xatongchun uzr so'ra, bo'lma jazolik.

## 63.

Имконликка ҳар вақт топилур имкон,  
Имконсизга ҳеч вақт топилмас дармон.  
Одамзод гоҳ имконли, гоҳ беимкон,  
Шундан ё армонли у, ё беармон!

Imkonlikka har vaqt topilur imkon,  
Imkonsizga hech vaqt topilmas darmon.  
Odamzod goh imkonli, goh beimkon,  
Shundan yo armonli u, yo bearmon!

## 64.

Тирик бўла туриб, этмайин сабр,  
Тайёрладинг ўзингга муҳташам қабр.  
Бу билан жисмингни ўйлаб, эй гумроҳ,  
Руҳнинг парвозига айладинг жабр.

Tirik bo`la turib, etmayin sabr,  
Tayyorlading o`zingga muhtasham qabr.  
Bu bilan jismingni o`ylab, ey gumroh,  
Ruhning parvoziga aylading jabr.

## 65.

Фамнинг йўлларида адоман, адо,  
Қувонч йўлларида — гадоман, гадо.  
Бу ҳолат қалбимга садолар солар,  
Садо йўлларида навоман, наво!

G`amning yo'llarida adoman, ado,  
Quvonch yo'llarida — gadoman, gado.  
Bu holat qalbimga sadolar solar,  
Sado yo'llarida navoman, navo!

## 66.

Қўлнинг кири дерлар бойлигу мансаб,  
Энг катта давлатдир ақлу, илм,адаб.  
Буни била туриб, қилмасанг амал,  
Эрта кирдай кўчсанг, ўзингсан — сабаб.

Qo'lning kiri derlar boyligu mansab,  
Eng katta davlatdir aqlu, ilm,adab.  
Buni bila turib, qilmasang amal,  
Erta kirday ko'chsang, o'zingsan — sabab.

**67.**

Үтгәнларга бўлсин Оллоҳдан раҳмат —  
 Қабристонда мудом ҳоким сукунат.  
 Сукут сақлаб кезсанг, қабрлар аро,  
 Тинглайсан қадамда ибратли ҳикмат.

O'tganlarga bo'lsin Ollohdan rahmat —  
 Qabristonda mudom hokim sukunat.  
 Sukut saqlab kezsang, qabrilar aro,  
 Tinglaysan qadamda ibratli hikmat.

**68.**

Ҳар сафар кўзингга термулиб жайрон,  
 Юрагим эзилиб бўлади вайрон.  
 Сенингдай беозор сулув жонзотга,  
 Пичоқ қайраганнинг ўзиdir ҳайвон.

Har safar ko'zingga termulib jayron,  
 Yuragim ezilib bo'ladi vayron.  
 Seningday beozor suluv jonzotga,  
 Pichoq qayraganning o'zidir hayvon.

**69.**

Сени ёрлиқ билан этмасалар ёд,  
 Ёки мукофотга бўлмасанг номзод.  
 Ўксима, шукур қил, тириклик ўзи, —  
 Оллоҳ инъом этган буюк мукофот.

Seni yorliq bilan etmasalar yod,  
 Yoki mukofotga bo'lmasang nomzod.  
 O'ksima, shukur qil, tiriklik o'zi, —  
 Olloh in'om etgan buyuk mukofot.

70.

Гарчи бу оламда энг олий жонзот —  
Инсонлар саналур, бешак, инсонлар.  
Улар орасида гоҳ учрар, ҳайҳот,  
Сирти — одам, ичи — илон, чаёнлар.

Garchi bu olamda eng oliy jonzot —  
Insonlar sanalur, beshak, insonlar.  
Ular orasida goh uchrar, hayhot,  
Sirti — odam, ichi — ilon, chayonlar.

71.

Очкўзу таъмагир бўлса қай одам,  
Бут бўлмас рўзгори; кўкармас боғи.  
Уни тўйғазолмас тоғ ҳам, дарё ҳам,  
Фақат тўйдиради қабр тупроғи.

Ochko'zu ta'magir bo'lsa qay odam,  
But bo'lmas ro'zgori: ko'karmas bog'i.  
Uni to'yg'azolmas tog' ham, daryo ham,  
Faqat to'ydiradi qabr tuprog'i.

72.

Мушарраф бўлганди сенга бир шараф,  
Қутлашди ўшанда сени ҳар тараф.  
Энди — ку шонингни ошиrolmassan,  
Ўша шарафингни кетказмагил ҳайф.

Musharraf bo'lgandi senga bir sharaf,  
Qutlashdi o'shanda seni har taraf.  
Endi — ku shoningni oshirolmassan,  
O'sha sharafingni ketkazmagil hayf.

### 73.

О, завқли кечмоқда қишининг бу куни,  
Осмон элаяпти хўп майин унни.  
Шу вождан дала — дашт бурканди қорга,  
Мевасин тотамиз ёзда биз уни:

O, zavqli kechmoqda qishning bu kuni,  
Osmon elayapti xo'p mayin unni.  
Shu vajdan dala — dasht burkandi qorga,  
Mevasin totamiz yozda biz uni.

### 74.

Фамхўр кўпаяр инсон кўзини юмса,  
Ким ҳиммат қилур, ким тўкар кўз ёшин.  
Қани энди у буни тирик пайти кўрса,  
Балки юрармиди яшаб ўз ёшин.

G'amxo'r ko'payar inson ko'zini yumsa,  
Kim himmat qilur, kim to'kar ko'z yoshin.  
Qani endi u buni tirik payti ko'rsa,  
Balki yurarmidi yashab o'z yoshin.

### 75.

Аслида бир парча этким эрса тил,  
Қилди фарқ одамни ҳайвондан — да, тил.  
Сен бузиб гоҳ сўйлассанг нутқингни, воҳ,  
Тигла дилни хоҳи тилма, хоҳи тил!

Aslida bir parcha etkim ersa til,  
Qildi farq odamni hayvondan — da, til.  
Sen buzib goh so'ylasang nutqingni, voh,  
Tig'la dilni xohi tilma, xohi til!

76.

Эй, гўзал, мужгон ўқинг — ла мени от,  
Чунки ёлғиз чанг чиқармас яхши от.  
Сен учун қурбон бўлай, сўнг майлига,  
Қолсин мендан хоҳ ёмон, ҳоҳ яхши от.

Ey, go'zal, mujgon o'qing — la meni ot,  
Chunki yolg'iz chang chiqarmas yaxshi ot.  
Sen uchun qurban bo'lay, so'ng mayliga,  
Qolsin mendan xoh yomon, hoh yaxshi ot.

77.

Ул санамнинг ишқ ўтидан жисму жоним  
бунча доғ,  
Жисму жоним ўтидан тушди юракда парча доғ.  
Энди ўйлаб, эй Гулом, боқсамки ишқнинг  
йўлига,  
Қаҳқашон мисли бу сўқмоқ беадофу, беадоф.

Ul sanamning ishq o'tidan jismu jonim  
buncha dog'.  
Jismu jonim o'tidan tushdi yurakda parcha dog'.  
Endi o'ylab, ey G'ulom, boqsamki ishqning  
yo'liga,  
Qahqashon misli bu so'qmoq beadog'u, beadog'.

78.

Ҳар кимга ато этар экан жон,  
Юлдузга макон бўлгандек осмон.  
Ҳар каснинг заминда ўз ўрни бордир,  
Жой деб талашур, бил, аҳли нодон

Har kimga ato etar ekan jon,  
Yulduzga makon bo'lgandek osmon.  
Har kasning zaminda o'z o'rni bordir,  
Joy deb talashur, bil, ahli nodon!!

79.

Фамнинг юки тоғдан ҳам оғир,  
Дилни эзар шу боис алам.  
Инсон ғамни енгишга қодир –  
Меҳр кўргазса одамга – одам!

G`amning yuki tog'dan ham og'ir,  
Dilni ezar shu bois alam.  
Inson g`amni yengishga qodir –  
Mehr ko`rgazsa odamga – odam!

80.

Сенга ҳамиша таҳтни берди,  
Таҳтга қўшиб фурбатни берди.  
Мен пастда туриб этдим меҳнат,  
Таҳтдан ҳам баланд баҳтни берди.

Senga hamisha taxtni berdi,  
Taxtga qo'shib g'urbatni berdi.  
Men pastda turib etdim mehnat,  
Taxtdan ham baland baxtni berdi.

81.

Нуқул ёмон одам бўлмас дунёда,  
Ҳар кишида ҳам бўлур фазилат, нуқсон.  
Фақат бир – бирини яхши тушунса,  
Ёмон санамайди инсонни инсон!

Nuqul yomon odam bo'lmas dunyoda,  
Har kishida ham bo'lur fazilat, nuqson.  
Faqat bir – birini yaxshi tushunsa,  
Yomon sanamaydi insonni inson!

82.

Одамга ўхшайди дарахт, ажабо,  
Баҳорда гуллайди ва ҳосил тугар,  
Ёзда мева берар ширин, бебаҳо,  
Кузда чўғдай ёниб, барг тўкиб, тугар.

Odamga o'xshaydi daraxt, ajabo,  
Bahorda gullaydi va hosil tugar,  
Yozda meva berar shirin, bebabaho,  
Kuzda cho'g'day yonib, barg to'kib, tugar.

83.

Ёмғир майин ёғиб, эзар тупроқни,  
Хазонрез барг кетар унга қоришиб.  
Қуёш, тезроқ кўрсат нурли ёноғинг,  
Оlam ҳам, юрак ҳам кетсин ёришиб.

Yomg'ir mayin yog'ib, ezar tuproqni,  
Xazonrez barg ketar unga qorishib.  
Quyosh, tezroq ko`rsat nurli yonog'ing,  
Olam ham, yurak ham ketsin yorishib.

## 84.

Ҳар куни учрашиб, кўриб турамиз,  
Орамиз яқин – да, эмас кўп узоқ.  
Суҳбатлашиб қолсак, шуни биламиз,  
Орамиз аслида йироқ, кўп йироқ.

Har kuni uchrashib, ko'rib turamiz,  
Oramiz yaqin – da, emas ko'p uzoq.  
Suhbatlashib qolsak, shuni bilamiz,  
Oramiz aslida yiroq, ko'p yiroq.

## 85.

Гарчи есир ўсдим, омадим кулди,  
Меҳр деб тўрт томон елиб чопмадим.  
Қон – қардош, дўсту ёр мени қўллади,  
Барибир онамнинг меҳрин топмадим.

Garchi yesir o'sdim, omadim kuldi,  
Mehr deb to'rt tomon yelib chopmadim.  
Qon – qardosh, do'stu yor meni qo'lladi,  
Baribir onamning mehrin topmadim.

## 86.

Қор бағрида қолса ниш урган майса,  
Ерда ёзаверар бемалол томир.  
Сен эса нолийсан сал совуқ эssa,  
Майсадан ўргансанг бўлмасми ахир!

Qor bag'rida qolsa nish urgan maysa,  
Yerda yozaverar bemalol tomir.  
Sen esa noliysan sal sovuq essa,  
Maysadan o'rgansang bo'lmasmi axir!

87.

Тушкунликка тушма, бўлганда bemор.  
Иситмаси бўлур, тирик жонки бор.  
Софайиб сузарсан ҳаёт наҳрида,  
Аввало Оллоҳ, сўнг борку шифокор.

Tushkunlikka tushma, bo`lganda bemor.  
Isitmasi bo`lur, tirik jonki bor.  
Sog`ayib suzarsan hayot nahrida,  
Avvalo Olloh, so`ng borku shifokor.

88.

Шамол эсар, тинмай безовта,  
Шох навдалар силкинар ҳар ён.  
Ёрдам қўлин чўзомай пастга,  
Юлдуз боқар кўқдан беимкон.

Shamol esar, tinmay bezovta,  
Shox navdalar silkinar har yon.  
Yordam qo`lin cho`zolmay pastga,  
Yulduz boqar ko`kdan beimkon.

89.

Бир булут, ёз куни тўзғиб, талтайиб,  
Осмонда bemavrid тўўси қуёшни.  
Ўзи – ку тутади, шундан қорайиб,  
Бемавруд димлатди дала, тоғ, тошни.

Bir bulut, yoz kuni to`zg`ib, taltayib,  
Osmonda bemavrid to`sdi quyoshni.  
O`zi – ku tutadi, shundan qorayib,  
Bemavrud dimlatdi dala, tog`, toshni.

90.

У дарё бўлиб оқди, оқди шовуллаб,  
У садо бўлиб учди, учди гувуллаб.  
Шундай яшаб ўтди, кўзни юмгандা,  
Улкан шаҳар қолди, қолди ҳувиллаб.

U daryo bo'lib oqdi, og'di shovullab,  
U sado bo'lib uchdi, uchdi guvullab.  
Shunday yashab o'tdi, ko'zni yumganda,  
Ulkan shahar qoldi, qoldi huvillab.

91.

Келганида ҳар йили баҳор,  
Борлиқ яшнар янгидан тақрор.  
Менинг юрагим – чи, ушбу фаслда,  
Жўшиб оқар мисоли анҳор!

Kelganida har yili bahor,  
Borliq yashnar yangidan takror.  
Mening yuragim – chi, ushbu faslda,  
Jo'shib oqar misoli anhor!

92.

Ўрмон ичидаги ёш бир кўчатсан,  
Атрофда дараҳтлар – бўйдор ва йўғон.  
Сен қуруқ шоҳ томон бўйингни чўзма,  
Ўт кетса, ҳўл – қуруқ ёнур бегумон!

O'rmon ichidagi yosh bir ko'chatsan,  
Atrofda daraxtlar – bo'yдор va yo'g'on.  
Sen quruq shox tomon bo'yingni cho'zma,  
O't ketsa, ho'l – quruq yonur begumon!

93.

Бой бўлгин, қалбингда бўлсин ҳамият,  
Сен қанча бойисанг – бойдир жамият.  
Мол – мулкинг қўпайсинг, лекин эй, ошна,  
Бундан эл чекмасин асло азият.

Boy bo`lgin, qalbingda bo`lsin hamiyat,  
Sen qancha boyisang – boydir jamiyat.  
Mol – mulking ko`paysin, lekin ey, oshna,  
Bundan el chekmasin aslo aziyat.

94.

Мен – ундей, мен бундай, дея мақтаниб,  
Жағинг – ла мияни қилурсан эгов.  
Чуқурроқ танишиб билдим мен сени:  
Қиёфанг инсону, ўзинг – шохсиз.gov.

Men – unday, men bunday, deya maqtanib,  
Jag`ing – la miyani qilursan egov.  
Chuqurroq tanishib bildim men seni:  
Qiyofang insonu, o`zing – shoxsiz.gov.

95.

Мулкдорлар ҳам бўлади ҳар хил:  
Бири сахий, бириси баҳил.  
Сахий гуллаб яшнайверади,  
Баҳил тушиб синади чил – чил.

Mulkdorlar ham bo`ladi har xil:  
Biri saxiy, birisi baxil.  
Saxiy gullab yashnayveradi,  
Baxil tushib sinadi chil – chil.

96.

Ўз – ўзидан келмайди омад,  
Омад учун керак ҳаракат.  
Ният қилу, интилгин олға,  
Оллоҳ берур сенга баракат.

O'z – o'zidan kelmaydi omad,  
Omad uchun kerak harakat.  
Niyat qilu, intilgin olg'a,  
Olloh berur senga barakat.

97.

Қирғоғида йўқдир тоғ – тош, дов – дарахт,  
Дарё оқар текис, бийдай саҳродан.  
Эшигилмас шов – шув, оқим – тинч, карахт,  
Дарё оқар қонмай атроф – дунёдан...

Qirg'og'ida yo'qdir tog' – tosh, dov – daraxt,  
Daryo oqar tekis, biyday sahrodan.  
Eshitilmas shov – shuv, oqim – tinch, karaxt,  
Daryo oqar qonmay atrof – dunyodan...

98.

Бутун умр пок бўл, бўл ҳалол,  
Ташламагин нотўғри қадам.  
Сенга баҳо берурлар дарҳол,  
Юзингга хок тортилгани дам!

Butun umr pok bo'l, bo'l halol,  
Tashlamagin noto'g'ri qadam.  
Senga baho berurlar darhol,  
Yuzingga xok tortilgani dam!

99.

Үйғоқ бўлиб юлдузларга боқурман,  
Хаёлотнинг дарёсида оқурман.  
Ўтиб кетган буюкларнинг ҳикматин,  
Кўкка боқиб маъно – мағзин чақурман.

Uyg'oq bo'lib yulduzlarga boqurman,  
Xayolotning daryosida oqurman.  
O'tib ketgan buyuklarning hikmatin,  
Ko'kka boqib ma'no – mag'zin chaqurman.

100.

Кексаймоқлик, тўғри, зўр давлат,  
Оқсоқоллик, шукур, кўрк – савлат.  
Қани, инсон яшаверсаю  
Ошаверса эди куч – файрат.

Keksaymoqlik, to'g'ri, zo'r davlat,  
Oqsoqollik, shukur, ko'rк – savlat.  
Qani, inson yashaversayu  
Oshaversa edi kuch – g'ayrat.

101.

Рустам бобо хотирасига

Тик юриб, бехосдан учиб тушдингиз,  
Шу лаҳза мангалик гулин қучдингиз.  
Оғир меҳнат билан ўтказиб умр,  
Енгил бир қуш бўлиб кўкка учдингиз.

Tik yurib, bexosdan uchib tushdingiz,  
Shu lahza mangalik gulin quchdingiz.  
Og'ir mehnat bilan o'tkazib umr,  
Yengil bir qush bo'lib ko'kka  
uchdingiz.

## 102.

Мўъжиза рўй берди, қор ёғаётган он,  
Офтоб юз кўрсатиб, тўқди шуъла, нур.  
Қаранглар, қор эмас, бу лаҳза осмон,  
Ялтиратиб сочар ерга кумуш, дур.

Mo''jiza ro'y berdi, qor yog'ayotgan on,  
Oftob yuz ko'rsatib, to'kdi shu'la, nur.  
Qaranglar, qor emas, bu lahza osmon,  
Yaltiratib sochar yerga kumush, dur.

## 103.

Қиши пайти, ойсиз тун, кўкка назар сол,  
Юлдузлар тўпидан қамашар кўзлар.  
Ой бўлса, рўй бермас эди ушбу ҳол,  
Кўриниш бермасди хира юлдузлар.

Qish payti, oysiz tun, ko'kka nazar sol,  
Yulduzlar to'pidan qamashar ko'zlar.  
Oy bo'lsa, ro'y bermas edi ushbu hol,  
Ko'rinish bermasdi xira yulduzlar.

## 104.

Шивирлаб айтилган ҳар сиру асрор,  
Бир куни бўлади, албатта ошкор.  
Шамол хуш кўради шивир – шивирни,  
Иккови бирлашиб ошади девор.

Shivirlab aytilgan har siru asror,  
Bir kuni bo'ladi, albatta oshkor.  
Shamol xush ko'radi shivir – shivirni,  
Ikkovi birlashib oshadi devor.

105.

Ҳеч кимса кўнглига етказма озор,  
Озор бергувчидан Оллоҳ ҳам безор.  
Зим – зиё қалбларни чароғон айла,  
Қиши эмас, дилларга олиб кир баҳор!

Hech kimsa ko`ngliga yetkazma ozor,  
Ozor berguvchidan Olloh ham bezor.  
Zim – ziyo qalblarni charog`on ayla,  
Qish emas, dillarga olib kir bahor!

106.

Яшаяпман, шу билан бирга,  
Камаймоқда кучим, кўз нурим.  
Ўксинмайман, сатрларимда,  
Давом этур, мендан сўнг умрим!

Yashayapman, shu bilan birga,  
Kamaymoqda kuchim, ko'z nurim.  
O'ksinmayman, satrlarimda,  
Davom etur, mendan so`ng umrim!

107.

Баъзилар хотираға ёзиб дастурхон,  
Шуҳрату бойлигин кўз – кўзлар чунон.  
Ўтганлар муҳтоҷ эмас, ахир буларга,  
Энг улуғ зиёфат – ўқилган Қуръон.

Ba'zilar xotiraqa yozib dasturxon,  
Shuhratu boyligin ko'z – ko'zlar chunon.  
O'tganlar muhtoj emas, axir bularga,  
Eng ulug' ziyofat – o'qilgan Qur'on.

### **III. ШОХДАН ТУШАР ЗАРРИН**

#### **ЯПРОҚЛАР**

**ФАРДЛАР,**

**ИККИЛИКЛАР**

Тугашингдан чекма ранж, алам,  
Сен яшайсан қоғозда қалам!

Tugashingdan chekma ranj, alam,  
Sen yashaysan qog'ozda qalam!

1.

Парвона ўртаниб ҳажру фироқдан,  
Висолга етишгач, куяр чироқдан.

Parvona o'rtanib hajru firoqdan,  
Visolga etishgach, kuyar chiroqdan.

2.

Юзингни ўхшатсам ойга, моҳитоб,  
Рухсори мен каби, деди офтоб.

Yuzingni o'xshatsam oyga, mohitob,  
Ruxsori men kabi, dedi oftob.

3.

Дардманд бўлсанг, дарддан нолима,  
Ачин, бедардларнинг ҳолига.

Dardmand bo'lsang, darddan nolima,  
Achin, bedardlarning holiga.

4.

Аваллари кокилинг шаршара эди,  
Нега қирқдинг, ҳувиллар тоф, дара энди.

Avallari kokiling sharshara edi,  
Nega qirqding, huvillar tog', dara endi.

5.

Шеригим билан биргаман, бирман,  
Шундан ишда зўрман – омбирман.

Sherigim bilan bиргаман, birman,  
Shundan ishda zo'rman – ombirman.

6.

Маккажўхори жуда иболи,  
Пардасин олиб, қилма ҳаволи.

Makkajo'xori juda iboli,  
Pardasin olib, qilma havoli.

7.

Магзаванинг мағзи ҳам йўқ,  
Бир пасдан сўнг ўзи ҳам йўқ.

Mag'zavaning mag'zi ham yo'q,  
Bir pasdan so'ng o'zi ham yo'q.

8.

Мунча ҳам шошилиб борардинг қайга,  
Баримиз борамиз ахир бир жойга.

Muncha ham shoshilib borarding qayga,  
Barimiz boramiz axir bir joyga.

9.

— Балиқ, сузиб нелар ўйлайсан?  
— Сас чиқармай сувни куйлайман!

— Baliq, suzib nelar o`ylaysan?  
— Sas chiqarmay suvni kuylayman!

10.

Бошқа йўлдан сен ташлаб одим,  
Мени эмас, ўзни йўқотдинг.

Boshqa yo`ldan sen tashlab odim,  
Meni emas, o`zni yo`qotding.

11.

Ерда ётган заъфарон япроқ,  
Ўксимагин, аслимиз тупроқ.

Yerda yotgan za'faron yaproq,  
O`ksimagine, aslimiz tuproq.

12.

Гарчи қора кунжитнинг дони,  
Қаранг, хушта'м этади нонни.

Garchi qora kunjитning doni,  
Qarang, xushta'm etadi nonni.

13.

Гўзал эди беозор оху,  
Уни отди дилозор, ёху!

Go'zal edi beozor ohu,  
Uni otdi dilozor, yohu!

14.

Сенга – ку, ишончим эди тоғ мисол,  
Афсуски кемириб этдинг гард, мисқол.

Senga – ku, ishonchim edi tog` misol,  
Afsuski kemirib etding gard, misqol.

15.

Тупроқ, тупроқ, муқаддас тупроқ,  
Билишсайди қадрингни кўпроқ.

Tuproq, tuproq, muqaddas tuproq,  
Bilishsaydi qadringni ko`proq.

16.

Жимир – жимир этиб узмай кўз,  
Мендан нима истайсан, юлдуз?

Jimir – jimir etib uzmay ko`z,  
Mendan nima istaysan, yulduz?

17.

Мағур бўлма мунча терақдек,  
Ҳамма учун зарур, керакдек.

Mag'rur bo'lma muncha terakdek,  
Hamma uchun zarur, kerakdek.

18.

Ҳаво эсса, кетар шамолга,  
Ниҳол ўсса, етар қамолга.

Havo essa, ketar shamolga,  
Nihol o'ssa, yetar kamolga.

19.

Итларга таланиб, бўри йиқилди,  
Қўйларга азоб эканин билди.

Itlarga talanib, bo ri yiqildi,  
Qo'ylarga azob ekanin bildi.

20.

Тентирайсан шамол, тентиб чопасан,  
Нимани ёшириб, нима топасан?

Tentiraysan shamol, tentib chopasan,  
Nimani yoshirib, nima topasan?

21.

Хоҳ булбул бўл, ҳоҳ суксур, ҳоҳ ғоз.  
Ўзингники бўлсин — да, овоз

Hoh bulbul bo'l, hoh suqsur, hoh g'oz,  
O'zingniki bo'lsin — da, ovoz.

22.

Қўчқорлар уришиб, шохлар тирқирап,  
Кўнгиллар эзилиб, юрак зирқирап.

Qo`chqorlar urishib, shoxlar tirqirar,  
Ko`ngillar ezilib, yurak zirqirar.

23.

Эшакка ҳам кўп юк орттирма,  
Золим деган номни орттирма.

Eshakka ham ko'p yuk orttirma,  
Zolim degan nomni orttirma.

24.

Кучинг кам — кўплигин гайратинг айтур,  
Ақлинг кам, кўплигин суҳбатинг айтур.

Kuching kam — ko'pligin g'ayrating aytur,  
Aqling kam, ko'pligin suhbating aytur.

25.

Энди билсам, гапнинг чину ростидан:  
Ёлғончилік ўтган онанг сугидан.

Endi bilsam, gapning chinu rostidan:  
Yolg`onchilik o'tgan onang sutidan.

26.

Диққатингни тортар күқдан сулув ой,  
Ой ҳавасин келтирасен сендаги чирой.

Diqqatingni tortar ko'kdan suluv oy,  
Oy havasin keltirar sendagi chiroy.

27.

Тўймас, юҳо, оч экан кўзинг,  
Шундан единг ўзингни ўзинг.

To`ymas, yuho, och ekan ko'zing,  
Shundan yeding o'zingni o'zing.

28.

Сахийликда тенгсиз экан йўл —  
Қаранг, унда очиқ икки қўл.

Saxiylikda tengsiz ekan yo'l —  
Qarang, unda ochiq ikki qo'l.

29.

Қойилмасқу ҳеч ким ишига,  
Ақл бўлар ҳамма кишига.

Qoyilmasku hech kim ishiga,  
Aql bo'lar hamma kishiga.

30.

Сифатдир: одамга яхши ва ёмон,  
Бирин раҳмон берган, бирисин шайтон.

Sifatdir: odamga yaxshi va yomon,  
Birin rahmon bergen, birisin shayton.

31.

Қир устида дўппайиб қабр,  
Ўргатади қилмоқни сабр.

Qir ustida do'ppayib qabr,  
O'rgatadi qilmoqni sabr.

32.

Қоғоз тинглаб, қаламни роса,  
Гапларини этди овоза.

Qog'oz tinglab, qalamni rosa,  
Gaplarini etdi ovoza.

33.

Ёмон сўз – ла бут бўлмас иш,  
Яхши сўз – ла ёз бўлур қиши.

Yomon so'z – la but bo'lmas ish,  
Yaxshi so'z – la yoz bo'lur qish.

34.

Бир доно бир гапни кўп такрор айтар:  
Яхшилик ўзингга, албатта, қайтар.

Bir dono bir gapni ko'p takror aytar:  
Yaxshilik o'zingga, albatta, qaytar.

35.

Ўзингда йўқ – ку ҳеч вақо,  
Ўзгаларга берма кўп баҳо.

O'zingda yo'q – ku hech vaqo,  
O'zgalarga berma ko'p baho.

36.

Энагаси ўзингсан, қуёш, ушбу оламни,  
Меҳрингни дариг тутма, асра гўдак болангни.

Enagasi o'zingsan, quyosh, ushbu olamni,  
Mehringni darig` tutma, asra go'dak  
bolangni.

37.

Ерга не сепсанг, шуни ўрасан,  
Кимга не этсанг шуни кўрасан.

Yerga ne sepsang, shuni o'rasan,  
Kimga ne etsang shuni ko'rasan.

38.

Чумолининг бели нозик қил каби,  
Юк ташишда лекин ишлар фил каби.

Chumolining beli nozik qil kabi,  
Yuk tashishda lekin ishlar fil kabi.

39.

Сабрнинг тагидир аслида олтин,  
Буни билавермас ҳар эру хотин.

Sabrning tagidir aslida oltin,  
Buni bilavermas har eru xotin.

40.

Шишаи жонимга жонсану жононасан,  
Шиша синса, унга ҳам, бил, тиру пайконасан.

Shishai jonimga jonsanu jononasan,  
Shisha sinsa, unga ham, bil, tiru  
paykonasan.

41.

Кўп, беҳад мол ташвиш, ғам келтирас,  
Ва акси ҳол, ажал ҳам келтирас.

Ko'r, behad mol tashvish, g'am keltiras,  
Va aksi hol ajal ham keltiras.

42.

Ғамни енгур на мол, на давлат,  
Уни енгур сабр ва тоқат.

G`amni yengur na mol, na davlat,  
Uni yengur sabr va toqat.

43.

Иzzат кўрсанг ҳурматинг сабаб,  
Роҳат кўрсанг меҳнатинг сабаб.

Izzat ko`rsang hurmating sabab,  
Rohat ko`rsang mehnating sabab.

44.

Дунёга келдию, кетди, қолмади,  
Бундан бир нима олдими, олмади?

Dunyoga keldiyu, ketdi, qolmadi,  
Bundan bir nima oldimi, olmadi?

45.

Гарчи олис бизлардан уммон,  
Тўлқин урса, қалбимда сурон.

Garchi olis bizlardan ummon,  
To'lqin ursa, qalbimda suron.

46.

Гулнинг фақат атри эмас,  
Чиройи ҳам этар маст.

Gulning faqat atri emas,  
Chiroyi ham etar mast.

47.

Агар бўлсанг, мулозим,  
Қил ишни унга лозим.

Agar bo'lsang, mulozim,  
Qil ishni unga lozim.

48.

Ишлаб чарчасам кундуз,  
Алла айтади юлдуз!

Ishlab charchasam kunduz,  
Alla aytadi yulduz!

49.

Оллоҳ берган неъматнинг саноғи йўқ,  
Илму ҳикмат, адабнинг адоги йўғ.

Oolloh bergan ne'matning sanog'i yo'q,  
Ilmu hikmat, adabning adog'i yo'g'.

50.

Меҳру ғазаб, жаҳолат ва адолат қўлингда,  
Олий жонзот инсонсан, ҳамма ҳолат қўлингда.

Mehru g'azab, jaholat vaadolat qo'lingda,  
Oliy jonzot insonsan, hamma holat  
qo'lingda.

51.

Қўлингдаги сополмас, чинни,  
Билмайсанми, шуни ҳам жинни.

Qo'lingdagagi sopolmas, chinni,  
Bilmaysanmi, shuni ham jinni.

52.

Бунчалар эрк бермасанг нафсга,  
Тушмас эдинг темир қафасга.

Bunchalar erk bermasang nafsga,  
Tushmas eding temir qafasga.

53.

Сут оппоқми, қор оппоқ,  
Дея айлама жумбоқ.

Sut oppoqmi, qor oppoq,  
Deya aylama jumboq.

54.

Уч кундирки, ёмғир ёғар, ёғар муттасил,  
Эзилади бундан тупроқ, эзилади дил.

Uch kundirki, yomg'ir yog'ar, yog'ar muttasil,  
Eziladi bundan tuproq, eziladi dil.

55.

Кўқда туриб пок юзингга, ой, тортсанг қора,  
Ерда юрган нопок учун айт, қандай чора?

Ko'kda turib pok yuzingga, oy, tortsang qora,  
Yerda yurgan nopor uchun ayt, qanday chora?

56.

Бунча ёниб, ялтирайсан сабуҳий шабнам,  
Сенинг умринг ўйлаб менинг кўзларимда нам.

Buncha yonib, yaltiraysan sabuhiy shabnam,  
Sening umring o'ylab mening ko'zlarimda nam.

57.

Яхисан – ку эй чўбин таёқ,  
Бўлолмайсан, барибир оёқ.

Yaxshisan – ku ey cho`bin tayoq,  
Bo`lolmaysan, baribir oyoq.

58.

Майли қулгил, йифлагил майли,  
Буларсиз жўн бу ҳаёт асли.

Mayli kulgil, yig`lagil mayli,  
Bularsiz jo`n bu hayot asli.

59.

Олдин чўғдай қизарив кўтардию бош,  
Сўнг ловуллаб оламни ёритди қуёш.

Oldin cho`g`day qizarib ko`tardiyu bosh,  
So`ng lovullab olamni yoritdi quyosh.

60.

Тугашингдан чекма ранж, алам,  
Сен яшайсан қоғозда қалам!

Tugashingdan chekma ranj, alam,  
Sen yashaysan qog`ozda qalam!

61.

Нафсни эркалатсанг қутуради,  
Ўзгагамас, ўзингга ҳуради.

Nafsni erkälatsaŋ quturadi,  
O'zgagamas, o'zingga huradi.

62.

Золимга бор Оллоҳ жазоси:  
Обод бўлмас икки дунёси.

Zolimga bor Olloh jazosi:  
Obod bo'lmas ikki dunyosi.

63.

Куз келиб, япроқлар бўлса заъфарон,  
Нега маъюс сезар ўзини инсон?

Kuz kelib, yaproqlar bo'lsa za'faron,  
Nega ma'yus sezar o'zini inson?

64.

Сочинг узун, паришонхолсан,  
Мажнун эмас, сен Лайлитолсан.

Soching uzun, parishonxolsan,  
Majnun emas, sen Laylitolsan.

65.

Кўрдим, ёмонмас шаклу шамолинг,  
Бундан аёнмас ақлў камолинг.

Ko`rdim, yomonmas shaklu shamoling,  
Bundan ayonmas aqlu kamoling.

66.

Сахий бўлсанг, молинг тўлиб тошади,  
Бахил бўлсанг, боринг сендан қочади.

Saxiy bo`lsang, moling to`lib toshadi,  
Baxil bo`lsang, boring sendan qochadi.

67.

Япроқлар сарғайиб келса ҳамки куз,  
Дилингда ёз тафти ўчмабди ҳануз.

Yaproqlar sarg`ayib kelsa hamki kuz,  
Dilingda yoz tafti o`chmabdi hanuz.

68.

Яхшилиқдан қолар нек хотира,  
Ёмонлиқдан кўнгилда яра.

Yaxshilikdan qolar nek xotira,  
Yomonlikdan ko`ngilda yara.

69.

Не – не гапни эшитиб, кўриб кўп – кўп воқеа,  
Жим турасан, ай девор, кулмай, йифламай нега?

Ne – ne gapni eshitib, ko'rib ko'r – ko'r voqea,  
Jim turasan, ay devor, kulmay, yig'lamay nega?

70.

Кўп эгилма, шабадага ниҳол,  
Синарсанку, эсганида шамол.

Ko'r egilma, shabadaga nihol,  
Sinarsanku, esganida shamol.

71.

Гар олиссан, о, қуёш бобо,  
Тафту ўтинг юрагимда жо!

Gar olissan, o, quyosh bobo,  
Taftu o'ting yuragimda jo!

72.

Буғдой эксанг, буғдой оларсан,  
Экмасанг, оч – наҳор қоларсан.

Bug'doy eksang, bug'doy olarsan,  
Ekmasang, och – nahor qolarsan.

73.

Дономисан ва ёки бефаҳм,  
Сўз – лутфингдан аёнсан, одам.

Donomisan va yoki befahm,  
So`z – lutfingdan ayonsan, odam.

74.

Агар билсанг ҳар ненинг сирин,  
Айтоласан не талх, не ширин.

Agar bilsang har nening sirin,  
Aytolasan ne talx, ne shirin.

75.

Отни дерлар пари, дев, лекин –  
Инсонга дўст эканлиги чин.

Otni derlar pari, dev, lekin –  
Insonga do'st ekanligi chin.

76.

Эрта турмоқ энг яхши одат,  
Оллоҳ берар ризқу саодат.

Ertta turmoq eng yaxshi odat,  
Olloh berar rizqu saodat.

77.

Ҳар дамингга айласанг шукур,  
Қўшилади умрингга умр.

Har damningga aylasang shukur,  
Qo'shiladi umringga umr.

78.

Кўрсатавер, итта ҳам шафқат,  
Савобини кўрасан албат.

Ko'rsataver, itga ham shafqat,  
Savobini ko'rasan albat.

79.

Суратини кўриб дейдилар: мулло!  
Сийратини кўриб: астагфурулло□

Suratini ko'rib deydilar: mullo!  
Siyratini ko'rib: astag'furullo□

80.

Сенга ҳеч ким беролмас мадад,  
Юрагингда бор экан ҳасад.

Senga hech kim berolmas madad,  
Yuragingda bor ekana hasad.

81.

Киндик қони қайдаки томган,  
Чўл бўлса ҳам – унингчун чаман.

Kindik qoni qaydaki tomgan,  
Cho'l bo`lsa ham – uningchun chaman.

82.

Дўстлар бўлса аҳил, иттифоқ,  
Ҳал бўлади ҳар қандай жумбоқ.

Do'stlar bo'lsa ahil, ittifoq,  
Hal bo'ladi har qanday jumboq.

83.

Курсим баланд дея ураверсанг дўқ, –  
Демак курсингта мос фаросатинг йўқ.

Kursim baland deya uraversang do'q, –  
Demak kursingga mos farosating yo'q.

84.

Аччиғинг тез, сўзларинг – заҳар,  
Сени кўрса қочади шакар.

Achchig'ing tez, so'zlarining – zahar,  
Seni ko'rsa ochadi shakar.

85.

Тинглаб унинг ширин лутфи каломини,  
Мақтаб едик шўр бўлса ҳам таомини.

Tinglab uning shirin lutfi kalomini,  
Maqtab yedik sho'r bo'lsa ham taomini.

86.

Совуқ қишида бекиниб куртак,  
Ёз ҳақида тинглайди эртак.

Sovuq qishda bekinib kurtak,  
Yoz haqida tingleydi ertak.

87.

Некбин учун ушбу олам — баҳор, гулистон,  
Бадбин учун ушбу олам — қору, зими斯顿.

Nekbin uchun ushbu olam — bahor, guliston,  
Badbin uchun ushbu olam — qoru, zimiston.

88.

Ўзи берди сени, олар, бил, ўзи,  
Доимо ёр бўлиб қолар — бир ўзи.

O'zi berdi seni, olar, bil, o'zi,  
Doimo yor bo'lib qolar — bir o'zi.

89.

Кўп мақтаманг уни дея, буюк, зўр инсон,  
Фақат Оллоҳ ўзи эрур беайб, бенуқсон.

Ko'r maqtamang uni deya, buyuk, zo't inson,  
Faqat Olloh o'zi erur beayb, benuqson.

90.

Болини единг – ку мақтаб, деб ширин,  
Аччиқ заҳрига ҳам энди чидагин.

Bolini yeding – ku maqtab, deb shirin,  
Achchiq zahriga ham endi chidagin.

91.

Гули бўлса у – гултувак,  
Гул бўлмаса бир пул тувак.

Guli bo'lsa u – gultuvak,  
Gul bo'lmasa bir pul tuvak.

92.

Ҳар тун қўкаради, оқаради тонг,  
Сенда – чи, қачон ўзгаради онг.

Har tun ko'karadi, oqaradi tong,  
Senda – chi, qachon o'zgaradi ong.

**93.**

Унинг феъл – атвордин билар бир Худо,  
Сен ҳам билмоқ эсанг, унга бўл қуда.

Uning fe'l – atvordin bilar bir Xudo,  
Sen ham bilmoq esang, unga bo'l quda.

**94.**

Бўш бўлса қоп, тик туролмас,  
Тик турган қоп ҳам юролмас.

Bo'sh bo'lsa qop, tik turolmas,  
Tik turgan qop ham yurolmas.

**95.**

Рўзанг қабул бўлмайди, банда,  
Ёлғонингни қилмасанг канда!

Ro`zang qabul bo`lmaydi, banda,  
Yolg`oningni qilmasang kanda!

**96.**

Туяни бутун есанг тўясанми,,  
Сўрашни сўнг қўясанми?

Tuyani butun yesang to'yananmi,,  
So'rashni so'ng qo'yasanmi?

97.

Лоф – лофдир у, достон эмас,  
Лоф урмоқ ҳам осон эмас.

Lof – lofdir u, doston emas,  
Lof urmoq ham oson emas.

98.

Бесабаб бўлмайди эшак ҳанграши,  
Итнинг вовуллаши, булбул сайраши.

Besabab bo`lmaydi eshak hangrashi,  
Itning vovullashi, bulbul sayrashi.

99.

Кўнгли очиқнинг – қўли очиқ,  
Қўли очиқнинг йўли очиқ.

Ko`ngli ochiqning – qo`li ochiq,  
Qo`li ochiqning yo`li ochiq.

100.

Болани бола деб сўйламанг ёлғон,  
Улғайгач сизни дер: нодон.

Bolani bola deb so`ylamang yolg`on,  
Ulg`aygach sizni der: nodon.

**101.**

Изим изингдаю кўзим кўзингда.  
Танам жисмимдаю, жоним ўзингда.

Izim izingdayu ko'zim ko'zingda.  
Tanan jismimdayu, jonim o'zingda.

**102.**

Қонъе бўлур ҳар эҳтиёж,  
Бир ўлимга йўқдир илож.

Qon'ye bo'lur har ehtiyoj,  
Bir o'limga yo'qdir iloj.

**103.**

Хизмат қилсанг юракдан холис,  
Яқин бўлур ҳаттоки олис.

Xizmat qilsang yurakdan xolis,  
Yaqin bo'lur hattoki olis.

**104.**

Кўз очиб юмгунча ўтди баҳор, ёз,  
Куз келди, шошил сен, қишига қолди оз.

Ko'z ochib yumguncha o'tdi bahor, yoz,  
Kuz keldi, shoshil sen, qishga qoldi oz.

**105.**

Үйла, бир кун жисминг ерга қайтади,  
Сен ҳақингда кимлар нима айтади...

O`yla, bir kun jisming yerga qaytadi,  
Sen haqingda kimlar nima aytadi...

## **МУНДАРИЖА –MUNDARIJA**

Юртим жамолидан қалбим мавжланар.....	3
Бухорода ёққанида қор.....	4
Илк баҳорда.....	6
Шеърият.....	8
Нақшлар.....	10
Мингчинорда.....	11
Руҳим.....	12
Ойбек.....	14
Қамчиқ довонида.....	16
Қор қўйнида.....	18
Рауф Парфи.....	20
Тоғ кечаси.....	22
Чўлда юриб.....	23
Амир Темир излари. Мовий гумбаз... .....	25
Самарқандда Амир Темур ҳайкали.....	29
Бухоро меҳри.....	31
Самарқанддан Шаҳрисабз тараф.....	33

Маҳмуд Торобий сўзи.....	35
Фиждувон васфи.....	34
Илҳом Сафар ёди.....	41
Рубоий, тулоқ, тўртликлар.....	44
Фардлар, иккиликлар.....	81

**ГУЛОМ ШОМУРОД**

**ЗАРИН  
ЯПРОКЛАР**

**Шеърлар**

Муҳаррир:

Садриддин Салим Бухорий

Тех.муҳаррир:

Гулнора Самиева

Мусаҳҳиҳ:

Суръат Шомуродов

Мусаввир:

Завқиддин Ёдгоров

Компьютер дастурчиси:

Нилуфар Ражабова

Операторлар:

Зилола Бобоева

Феруза Болтаева

"Инвест" 2 април 2015-й

1.00000 ₸ Танасиг 41, булак Гиресун 91  
Р.с 20210000000101007006  
О Н И РУ О А К Б „Капиталбанк“  
Мифо 00974 СИИ 201051699  
233-04-04 факс 239-93-97  
Наз. № 3 Рахманов З.А.

Теришга берилди 3. 09.2006 йил.  
Босишга рухсат этилди 9.10.2006 йил.  
Буюртма № 1556. Нашр сони-48.  
Босма табоги 7,1. Agagu 1500.  
Баҳоси келишилган нархда.

“Бухоро” нашриёти. Бухоро шаҳар, И. Мўминов кўчаси,  
27-уй

“Ёқуб Довуг” босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили:  
Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 27-уй.